

2 Президент «Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонни имзолади

INSON O'ZGARSA - JAMIYAT O'ZGARADI

ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ



milliy tiklanish

№ 12 (1114) 2021 йил 7 апрель, чоршанба 1995 йил 10 июлдан чиқа бошлаган

www.mf.uz / gazeta@mf.uz / mtiklanish@mail.ru



4 **ОЙНАНИ ОЧИШ МУМКИН, АММО ЭШИКНИ ЭМАС!**



5 **УНИНГ СЎЗЛАРИ ГЎЁ БАШОРАТ ЭДИ**



8 **МОҲИ РАМАЗОН ТАҚВИМИ**

3 **Ҳисоб палатасининг 2020 йилдаги фаолияти кўриб чиқилди**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг видео-ференцалоқа шаклида бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида депутатлар Ҳисоб палатасининг 2020 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқди.

4 **Депутат томга ҳам чиқди**

Бухоро вилоятининг Қорақўл туманида ўрганишлар олиб борган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Назир Сабилов тумандаги 34-мактабда бўлиб, ғайритабиий ҳолатга гувоҳ бўлди...

7 **Реклама ва эълонлардаги хатолар**

Бухоро вилояти Вобкент тумани ҳокими томонидан «Корхона, ташкилот, таълим муассасалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, жамоат ташкилотлари, кўчалар, бино ва иншоотларда ўрнатилган ташқи ёзувлар, пешлавҳалар, реклама ва кўргазмали ахборот матнларининг ҳолатини ўрганиш» бўйича ишчи гуруҳ таркиби тасдиқланган.

156,7 МЛН. ДОЛЛАР МИҚДОРИДАГИ **ЛОҚАЙДЛИК** ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИГА ОЛИНИШИ ШАРТ!

2

4 **ЯНГИ ҲОКИМ «КИЧИК ЗОМИН»НИ ҲИМОЯ ҚИЛМОҚЧИ, АММО...**

5 **Муни ўрганмак учун биз ўзимиздан бошқа мутараққий мамлакатларга боқайлик...**

6 **КЕЛАЖАК СОХТАКОРЛИКНИ КЕЧИРМАС**



4 **МОСЛАШГАН ИШ ТАРТИБИ**

Уни жорий этиш ташаббуси кўллаб-қувватланмоқда!

Ўзбекистон Республикаси ТУРИЗМ, СПОРТ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Сўнги йилларда республикада туризм ва спорт соҳаларини янада ривожлантириш, аҳолини жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, инфратузилмани яхшилаш, туризм салоҳияти юқори бўлган ҳудудларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш орқали туристлар саёҳати учун қулай шарт-шароитлар яратиш, маданий меросни муҳофаза қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, яратилган имкониятларга қарамасдан туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларини ривожлантириш борасидаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмаган, рақамлаштириш ва давлат-хусусий шериклик, шужумладан хусусий секторнинг ушбу йўналишлардаги ролини ошириш бўйича ўз ечимини топмаган масалалар мавжуд.

Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида замонавий бошқарув механизмларини жорий этиш, илгор хорижий тажрибага таяниб ушбу йўналишларда инфратузилмани жадал ривожлантириш, объектлардан самарали фойдаланиш, аҳолига етарли шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси негизда Туризм ва спорт вазирлиги;

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий бўлинмалари негизда Туризм ва спорт вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) бўлимлари ташкил этилсин.

Туризм ва спорт вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланиши белгилансин.

2. Белгилаб қўйилсинки: Туризм ва спорт вазирлиги туризм, жисмоний тарбия, спорт ва маданий мерос соҳаларида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади;

Туризм ва спорт вазирлиги ўз ваколатлари доирасида умуммажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли;

давлат органлари ва ташкилотлар, шунингдек, республиканинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари Туризм ва спорт вазирлигининг мурожаатига кўра тегишли маълумотларни ўрнатилган тартибда тақдим этади;

туризм, жисмоний тарбия, спорт ва маданий мерос масалаларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда Туризм ва спорт вазирлиги билан келишилади.

3. Туризм ва спорт вазирлигининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

а) туризм соҳасида: туризм объектларини давлат-хусусий шериклик асосида самарали бошқариш ҳамда мазкур соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий этиш;

мамлакатнинг туризм салоҳиятини тубдан оширишга, туризм соҳасида ягона давлат сиёсати юритилишига йўналтирилган туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепциясини шакллантириш ва амалга ошириш;

туризм хизматларининг ташки ва ички бозорларида маркетинг тадқиқотлари олиб боришга, тарихий-маданий меросни кенг тарғиб қилишга, мамлакатимизнинг туризм қиёфасини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга, миллий туризм маҳсулотлари ва брендларининг халқаро туризм бозорларига кириб боришга йўналтирилган фаол реклама-ахборот сиёсатини амалга ошириш;

ички, кириш ва чиқиш туризмни комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурлари ишлаб чиқишини мувофиқлаштириш, халқаро стандартларга мувофиқ бўлган туризм инфратузилмасини ривожлантиришга инвестицияларни, шунингдек, халқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотларнинг кредитлари ва грантларини жалб этиш;

туризм турларини диверсификациялаш, энг аввало, зиёрат туризми, экологик туризм, этнотуризм, ишбилар-

монлик туризми, спорт, гас-трономик, тиббий, таълим ва илмий туризмни ҳамда уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

туризм соҳасида хизматларни лицензиялаш ва сертификатлаштириш ҳамда туризм хизматларининг белгиланган талаблар ва стандартларга мувофиқлиги бўйича инспекция назоратини амалга ошириш;

туризм хизматларини ташкил этишда туристларнинг хавфсизлиги ва соғлигини таъминлашга йўналтирилган туризм хизматларини кўрсатиш сифати ва хавфсизлиги стандартларини ишлаб чиқиш;

туризм хизматлари бозоридан рақобатни ривожлантириш, туризм соҳасида тадбиркорлик фаоллиги ошишига ҳар томонлама кўмаклашиш, ушбу соҳага илгор ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этиш;

туризм объектларини жойлаштириш учун салоҳиятли ҳудудларда режалаштириш ва лойиҳалаштириш ишларини ташкил этиш, уларга инвесторларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш;

туризм фаолияти соҳасида туризм бўйича нуфузли халқаро ва миллий ташкилотлар ҳамда туризм соҳасида фаолиятни амалга оширувчи хорижий ташкилотлар билан халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, халқаро ва давлатларaro стандартлар ҳамда нормаларни туризм фаолияти ва амалиётига жорий этиш;

туризм соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни юқори даражада ташкил этиш, тармоқ туризм фанларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида:

спорт объектларини давлат-хусусий шериклик асосида самарали бошқариш ҳамда мазкур соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий этиш;

аҳолининг кенг қатламларини спорт билан шугулланишга ва соғлом турмуш тарзини юритишга жалб этиш, жисмонан соғлом ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш, спорт индустриyasi ва инфратузилмаси-

ни ривожлантириш, олий спорт маҳорати соҳасида мамлакатимизнинг халқаро спорт майдонида муносиб иштирокини таъминлашга қаратилган ягона сиёсатни амалга ошириш;

вазирликлар ва идораларнинг жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари ҳамда клубларининг, спорт федерацияларининг (ассоциациялари) фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, республика мактабгача таълим ташкилотлари, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим, профессионал таълим ҳамда олий таълим муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчилари, инструктор ва тренерлари фаолиятига ташкилий-услубий раҳбарликни амалга ошириш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари, таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари билан биргаликда аҳоли, айниқса, болалар ва ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишни оммалаштириш, оммавий спорт турларига кенг жалб қилиш борасида кенг қўламли ишларни ташкиллаштириш;

болаларни спорт билан мунтазам равишда шугулланишга жалб этиш, болалар спорт таълими сифатини ошириш, барча ҳудудларда, айниқса, қишлоқ ва чекка ҳудудларда спорт объектлари тармоғини янада кенгайтириш орқали болалар спортини янада ривожлантириш;

Олимпия, Паралимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон, Осиё чемпионатлари ва бошқа халқаро мусобақа ва турнирларда муваффақиятли иштирокини таъминлаш учун истиқболли спортчиларни саралаш (селекция қилиш), тайёрлаш ва маҳоратини оширишнинг, улар орасидан мамлакат терма жамоалари сифатли спорт захираси ва таркибини шакллантиришнинг самарали тизимини яратишда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, спорт федерациялари (ассоциациялари) билан ҳамкорлик қилиш;

республикадаги барча вазирлик ва идоралар (жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар) учун спорт нормативларини иш-

лаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича ягона сиёсатни олиб бориш;

мамлакатимизда оммавий ва профессионал спортни, шу жумладан, спорт ўйинлари, экстремал ва қишқи спорт турларини ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, илгор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, спорт тайёргарлиги жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш, барча спорт турлари бўйича миллий чемпионатлар даражаси ва сифатини ошириш, халқаро ва минтақавий мусобақалар ташкил этиш, носоглом спорт рақобатига ва тақиқланган препаратлар ишлатилишига қарши тизимли чоралар кўришни таъминлаш;

оммавий ва профессионал спорт йўналишлари бўйича моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, улардан максимал даражада ва самарали фойдаланишни таъминлаш, спорт асбоб-ускуналари ҳамда инвентарларининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилишини ташкил этиш ва кенгайтириш бўйича тақлифлар тайёрлашда қатнашиш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, жисмоний тарбия соғломлаштириш ҳамда спорт ташкилотларини, таълим ва спорт-таълим муассасаларини юқори малакали тренерлар ва бошқа спорт мутахассислари билан таъминлаш;

халқаро спорт ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида халқаро ва давлатларaro алоқаларни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этиш борасидаги ишларни ташкил қилиш, оммабоп спорт дастурларини ташкил этиш;

в) моддий маданий мерос соҳасида: маданий мерос объектларини давлат-хусусий шериклик асосида самарали бошқариш ҳамда мазкур соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий этиш;

давлат назоратини амалга ошириш ҳамда моддий маданий мерос объектла-

рининг, шу жумладан музей ашёлари ва коллекцияларининг давлат ҳисобини юритиш, уларни муҳофаза қилиш, илмий тадқиқ этиш ва оммалаштириш, шунингдек, улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома-лари, хусусан, Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция талаблари ҳамда ЮНЕСКО ва бошқа тегишли халқаро ташкилотлар тавсияларини самарали бажариш, халқаро ва хорижий ташкилотлар, олимлар, экспертлар ҳамда кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорлик қилиш;

алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудлар, Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киририлган ҳудудлар ва тарихий маҳаллаларнинг тарихий-маданий қиммати, ноёблиги, табиий ландшафти ва ўзига хослигини сақлаб қолиш;

чет элларда сақланаётган, мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид маданий бойликларни аниқлаш, уларнинг тўлиқ маълумотлар базасини яратиш ва уни мунтазам янгилаб боришни ташкил қилиш.

4. Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш Туризм, спорт, маданий мерос, транспорт логистикаси ва хизматлар соҳаларида давлат-хусусий шериклик ҳамда рақамлаштириш ривожлантириш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда – Кенгаш) этиб қайта ташкил қилинсин ҳамда унинг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Кенгаш туризм, спорт ва маданий мерос объектларининг давлат-хусусий шериклик асосида самарали бошқарилишини ҳамда мазкур соҳаларга замонавий ахборот технологиялари жорий этилишини мувофиқлаштиради.

5. Вазирлар Маҳкамаси:

а) уч ой муддатда: маданий мерос объектларининг ўзига хос хусусиятини инобатга олиб, уларга ҳар қандай салбий таъсирларни олдини олиш, узлуксиз равишда давлат ва илмий-техник назорат олиб боришни назарда тутган ҳолда соҳада давлат-хусусий шерикликни жорий этиш тартибини;

✓ Парламентда

156,7 млн. доллар миқдоридagi лоқайдлик парламент назоратига олинishi шарт!

Кейинги ойлarda «тренд»га чиққан ташқи қарз мавзусини ҳар ким ўз хабардорлиги, билими ва дунёқараши даражасида муҳокама қилаяпти. Чиндан ҳам кўпчилик учун жуда қизиқ мавзу бу. Аммо унга кимдир юртимиз иқтисодиёти, келажагимиз эгалари ҳаётига салбий таъсири нуқтаи-назаридан муносабат билдирса, бошқа бир тоифа кишилар айна шу мавзу баҳона ўзини буюк «ватанпарвар» қилиб кўрсатишга уринаяпти.

Аммо вазиятни чуқурроқ таҳлил этсак, қарз аслида ҳар қандай давлат учун ўз иқтисодиётини ривожлантириш орқали аҳолининг яшаш тарзини ўзгартиришга хизмат қиладиган имконият экани аниқлашилади. Агар ундан мақсадли фойдаланилса, бундан барча бирдек манфаат кўради.

Лекин олинган қарздан фойдаланиш жараёнида масъулият унутилса, у хатто имтиёзли шартларда олинган бўлса ҳам фақат зарар келтиради.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида ҳам айна шу масала атрофлича муҳокама қилинди.

Ҳисоб палатасининг 2020 йилги ҳисоботи эшитилган тадбирда фракция аъзолари Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолиятига кескин эътироз билдирдилар. Олий

Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Алишер Қодировнинг таъкидлашича, ташқи қарзни тақрибан учун зарурат деб ҳисоблаш керак. Унинг самарасиз ишлатилиши эса йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолатдир. Бу энг аввало иқтисодиётнинг депрессиясига олиб келади.

Ҳисоб палатаси маълумотларига кўра, Хитой Эксимбанкдан жалб этилган 156,7 млн. доллар маблағ ҳисобига Ангрен шина заводи 3 млн. донгача шина ишлаб чиқариши ва ушбу шиналар «Ўзавтосаноат» томонидан импорт қилинаётган маҳсулотлар ўрнини босиши керак эди. Аммо бугун ушбу завод 15 фоиз қувватда ҳам ишламаяпти. Энг ачинарлиси, завод омборида 100 мингта шина сотилмай ётибди. Сабаби эски дард: сифат талабга жавоб бермайди. «Ўзавтосаноат» эса кейинги икки йилда эди 60 млн. дол-

ларга яқин қийматдаги шиналарни импорт қилган. Демак, хулоса шундай: Ангрен шиначилари талаб даражасида ишлаганларида 60 млн. доллар ёхуд ана шу маблағнинг маълум бир қисми тежаб қолинган бўларди. Ана энди ҳақли савол туғилди: нега шундай ҳолат рўй берди ёки аввал бошдан лойиҳа нотўғри режалаштирилганмиди?

Фракциянинг қарийб икки соат давом этган йиғилишида бир аччиқ ҳақиқат аён бўлди: хали-ҳануз аксар йирик ишлаб чиқариш объектлари ўз юқини давлатнинг елкасига юклашдан орланмаяптилар. Масъулият тунунчаси мажлислардан нарига ўтмаяпти, ҳисоби. Буни мутасаддиларнинг «...ҳаракатлар бошланган, сифат сертификатлари олинмоқда» қабилдаги жавобларидан ҳам кўриш мумкин. Яна бир гап. Тома-тома кўл бўлур, деганларидек, кималаргадир арзимасдек кўринган 156,7



млн. доллар Ангренда самара бермаса, яна бир неча юз миллион доллардан Андижон ёки Сурхонда нотўғри фойдаланиб, қутулган иш ўрни яратилмаса, охир-оқибат нима бўлади? Қарз берувчи учун бунинг иссиғи ҳам, соғуғи ҳам йўқ. Ваҳоланки, олинган қарзнинг бир қисми ҳам тўғри режа қилинса, фойда беради. Акс ҳолда у зарарли юк эф-

фектини яратади, холос. Ана энди бир ўйлаб кўрайлик, икки йилдан бери шунча маблағ иқтисодиётимизга қанча зарар келтирди?

Фракция аъзоларининг фикрига кўра, ушбу масалада назорат-таҳлил ишлари кечикиб бўлса-да, бошланиши зарур.

Равшан МАҲМУДОВ

Президентининг Фармони СОҶАЛАРИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

туризм, спорт ва маданий мерос объектлари, шу жумладан уларнинг ер участкалари, бинолари ёки қисмлари ва хоналарини давлат-хусусий шериклик асосида бериш юзасидан хатловдан ўтказилишини ҳамда унинг натижаларидан келиб чиқиб, ушбу объектларнинг рўйхати (кейинги ўринларда – рўйхат) тасдиқлашини таъминласин;

б) рўйхатга киритилган ҳар бир объект бўйича давлат-хусусий шериклик лойиҳаси ва унинг концепцияси, битимлари ҳамда тендер ҳужжатларини тайёрласин;

Кенгашга рўйхатга киритилган умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш асосида тендер ўтказмасдан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тузиш юзасидан рухсат бериш ҳуқуқи берилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасида:

Бош вазир ўринбосари – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси лавозими тугатилсин;

Бош вазир ўринбосари – туризм ва спорт вазири лавозими киритилсин;

Спорт ва туризмни ривожлантириш масалалари котибияти Туризм, спорт, маданият ва оммавий коммуникациялар масалалари котибияти этиб қайта номлансин ва унинг бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 15 нафар этиб белгилансин. Бунда, қўшимча ажратилаётган 3 та штат бирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг қисқартирилаётган ходимлари сони ҳисобига шакллантирилади;

Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ёшлар, маънавият ва жамоат ташкилотлари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари котибияти Таълим, соғлиқни сақлаш, ёшлар, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари котибияти этиб қайта номлансин ва унинг бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 18 нафар этиб белгилансин;

Давлат тилини ривожлантириш департаменти

Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш масалалари департаменти этиб қайта номлансин ва унинг бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 7 нафар этиб белгилансин;

10 та штат бирлигидан иборат Маданий меросни ҳимоя қилиш инспекцияси ташкил этилсин.

Белгилансинки, Маданий меросни ҳимоя қилиш инспекцияси штат бирликлари Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини тадқиқ этиш марказини қисқартириш ҳисобига шакллантирилади.

7. Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази негизда Туризм ва спорт вазирлиги ҳузурида Маданий мерос агентлиги ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ташкил этилсин.

Маданият вазирлигининг ҳудудий маданият бошқармалари тузилмаларидаги моддий маданий мерос объектларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўлимлари тугатилсин ва уларнинг штат бирликлари тегишлилигига Маданий мерос агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларига ўтказилсин.

8. Маданият вазирлиги тизимидаги давлат музейлари, музей қўриқхоналар ва уй музейлари, моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари ва "Мозий-дан садо" журнали мавжуд штат бирликлари ва моддий-техника базаси билан тўлиқ ҳажмда, молиялаштириш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда Маданий мерос агентлигига ўтказилсин.

9. Белгилаб қўйилсинки:

Маданий мерос агентлиги Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти ва Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари; шу жумладан халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси

ҳисобланади;

2021 йилда ва келгуси йилларда Маданият вазирлигига Давлат бюджетидан маданий мерос объектларини реставрация қилиш ва тиклаш, шунингдек, археологик ишлар харажатлари учун ажратиладиган маблағлар Туризм ва спорт вазирлигига ажратилади;

Давлат бюджети маблағлари ҳисобига моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини асрашга доир ишларни амалга ошириш бўйича Маданий мерос агентлиги буюртмачи ҳисобланади.

10. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Туризм, спорт, маданият ва оммавий коммуникациялар масалалари котибияти, Таълим, соғлиқни сақлаш, ёшлар, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари котибияти, Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш масалалари департаменти ҳамда Маданий меросни ҳимоя қилиш инспекциясининг тузилмалари, янгиланган штат жадваллари ҳамда котибият ва инспекция тўғрисидаги низомавларни тасдиқласин;

Бош вазир ўринбосари – туризм ва спорт вазири ҳамда Бош вазирнинг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарининг функционал вазибаларини тасдиқласин;

Туризм, спорт, маданият ва оммавий коммуникациялар масалалари котибиятини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, қўйилган вазибалар самалари бажарилишини юксак профессионал даражада таъминлашга қўриқ бўлган малакали мутахассислар билан тўлдирсин;

Маданий мерос агентлиги фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

11. Туризм ва спорт вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Кадастр агентлиги, Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда 2021 йил якунига қадар:

Туризм ва спорт вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, Маданий мерос жамғармаси, маданий мерос соҳасига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан махсус электрон

портални яратсин, ушбу порталга барча спорт ва маданий мерос объектлари ҳақидаги маълумотларнинг (шу жумладан паспорти, давлат кадастри) жойлаштирилишини ва уни давлат электрон хизматлари билан интеграция қилишини таъминласин;

барча моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини қайта тарихий-маданий экспертизадан ўтказсин ҳамда Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари давлат реестри, электрон каталогини, паспорти ва давлат кадастрини тўлиқ шакллантирсин.

12. Транспорт вазирлигининг белгиланган штат бирликлари доирасида вазирнинг туризм соҳасида транспорт логистикасини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилсин.

13. Белгилансинки, транспорт вазирлигининг туризм соҳасида транспорт логистикасини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси:

Кенгашнинг тақдимномасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади;

ўз фаолияти даврида амалга оширган ишлари юзасидан ҳар ойда Кенгашга ҳисобот бериб боради.

14. Белгилаб қўйилсинки:

моддий маданий мерос объектларининг ўзгартирилиши мумкин бўлмаган ўзига хос хусусиятларини ва унинг тарихий муҳитини сақлаб қолиш мақсадида унга туташ ҳудуддаги муҳофаза тегралари билан капитал қурилиш ишлари ҳамда уларга зарар етказиш билан боғлиқ фаолиятни;

рухсатнома олмасдан туриб моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини консервациялаш, реставрация қилиш, тузатиш, таъмирлаш, ҳозирги замонда фойдаланишга мослаштириш, шунингдек, улар билан боғлиқ илмий ва илмий-техник тадқиқотлар, лойиҳалаш ҳамда ишлаб чиқариш ишларини амалга ошириш тақиқланади.

15. Туризм ва спорт вазирлиги, Фанлар академияси, Қурилиш вазирлиги, Кадастр агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

а) икки ой муддатда молиялаштириш манбаларини аниқ кўрсатган ҳолда маданий мерос объектларини уларнинг муҳофаза тегралари бўйлаб ўраб олиш (тўсиб қўйиш) ва ҳимоя қилиш ҳамда қўриқлашнинг янги тизимини жорий этиш бўйича таклиф ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) уч ой муддатда Бош прокуратура билан биргаликда маданий мерос объектларининг қўриқланадиган теграларида ноқонуний қурилган қурилмалар ва бино-иншоотларни бартараф этиш, уларнинг ер майдонларидан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгиласин;

в) 2022 йил 1 январга қадар:

тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган кўчмас мулк объектларини ҳар бирининг жойига борган ҳолда аниқлаш, янги объект бўйича тарихий-маданий экспертиза ўтказиш ва уларни давлат муҳофазасига олишни таъминласин;

моддий маданий мерос объектларининг қўриқланадиган теграларини, шу жумладан муҳофаза тегралари, иморатлар қуриш ва хўжалик фаолиятини тартибга солиш тегралари, қўриқланадиган табиий ландшафт теграларини белгиласин;

халқаро экспертларни жалб этган ҳолда маданий мерос,

шу жумладан археология мероси объектлари, маданий бойликларни олиб кириш ва олиб чиқиш, номоддий мерос соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалар нормаларини умумлаштириб, тўғридан-тўғри амал қилувчи ягона қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Бош прокуратура ташкилий-штат тузилмасида 3 та штат бирлигидан иборат бўлган маданий мерос соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан, шу жумладан, маданий меросни муҳофаза қилиш, асрашга доир иш-

лар ва улардан фойдаланишнинг оқилона ташкил этилишини назорат қилиш бўйича тегишли бўлим ташкил этилсин.

Бунда, 3 та штат бирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлими билан биргаликда маданий мерос объектларининг қўриқланадиган теграларида ноқонуний қурилган қурилмалар ва бино-иншоотларни бартараф этиш, уларнинг ер майдонларидан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгиласин;

17. Туризм ва спорт вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Жисмоний тарбия ва спорт университетига қабул қилиш талабларини қайта кўриб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

18. Вазирликлар ва идоралар ҳудудларда ишбилармонлик туризмни (MICE-туризм) янада ривожлантириш мақсадида 2021-2022 йилларда ўтказилиши режалаштирилган спорт, маданият, илм-маърифат, иқтисодий, инвестиция ҳамда бошқа йўналишлардаги йирик халқаро тадбирларни Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил этиш чораларини кўрсин.

19. Туризм ва спорт вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган тартибда киритсин.

20. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2021 йил 1 июль ва 2022 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 6 апрель

✓ Парламентда

Ҳисоб палатасининг 2020 йилдаги фаолияти кўриб чиқилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг видеоконференц-салонида шаклида бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида депутатлар Ҳисоб палатасининг 2020 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқди. Мажлисида Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари Б.Туробов ҳисобот берди.

Ҳисоб палатаси фаолиятини Президентимизнинг фармон, қарорлари ва топшириқларида белгиланган вазибалардан келиб чиқиб, амалга оширган. Давлат бюджети параметрларининг шакллантирилиши ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлигини ҳар томонлама таҳлил қилиш, қабул қилинаётган давлат ва ҳудудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари билан таъминланганлигининг аудитини рўйбга чиқаришга қаратган.

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ҳисобидан ажратилган маблағлар сарфлангани юзасидан 2020 йилда ўтказилган назорат тадбирлари натижасида 671,3 миллиард сўмлик ноқонуний харажат, камомад ва ўзлаштиришлар ҳамда самарасиз харажатлар, 1 триллион сўмдан ортиқ хара-

жатларни оптималлаштириш имкониятлари аниқланган.

Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан ажратилган маблағлар сарфлангани устидан Молия вазирлиги билан ҳамкорликда доимий назорат ўрнатилиб, аниқланган 23,8 миллиард сўмлик камомад ва ноқонуний харажатлар ҳамда ортиқча молиялаштирилган 8,4 миллиард сўм маблағлар жамғармага қайтарилган.

Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлиги билан ҳамкорликда уставида давлат улуши бўлган корхоналарнинг 2019 йилда олинган фойдасидан давлат бюджетига 4,8 триллион сўм дивидендларнинг ўтказилиши ҳисоб-китоб қилиниб, уларни тегишли бюджетларга жалб қилиниши таъминланган.

Мажлисида Ҳисоб палатасининг замонавий ахборот-коммуникация ва рақамли технологияларни ҳамда

илғор назорат усуллари ни қўлланган ҳолда бюджет даромадлари тўлиқлигини таъминлаш, мавжуд имконият ва захиралар эвазига бюджет даромадларининг қўшимча манбаларини ишга солиш, ҳудудларда маҳаллий бюджет маблағларини тўлиқ шакллантириш ва самарали ишлатишга қўшаётган салмоқли ҳиссаси, шунингдек, аниқланаётган тизимли молиявий хато ва камчиликларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф қилиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилиб, тегишли органларга ўз вақтида киритилаётгани ижобий баҳоланди.

Шу билан бирга, депутатлар ҳисоботда келтирилган тизимли молиявий ҳуқуқбузарликлар, хато ва камчиликларга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, бюджет даромадларини кўпайтириш имкониятларини излаш, мавжуд захираларни ишга солиш, яратилган шароит ва дастаклардан

оқилона фойдаланиш ўрнига давлат бюджетидан берилган маблағларни мақсадсиз ва самарасиз сарф қилиниши ва бюджет маблағларининг ноқонуний ўзлаштирилишига йўл қўйилаётгани, марказий ҳамда маҳаллий идоралар мутасаддиларининг ушбу муҳим масалага эътиборсизлик қилаётгани ва бошқа камчиликлар депутатлар томонидан кескин танқид қилинди.

Айниқса, Халқ таълими вазирлиги муассасаларида 192,2 миллиард сўмлик молиявий хато, камчилик ва ўзлаштиришлар аниқланган.

Муҳокамаларда депутатлар ҳисоботда келтирилган халқаро молия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларда муаммолар мавжудлиги ҳамда уларнинг келиб чиқиш сабабларига ҳам эътибор қаратди. Жумладан, давлат ташқи қарз маблағларини жалб қилган ҳолда 2010-2019 йилларда яқунланган умумий қиймати

12,6 миллиард АҚШ долларик 81 та лойиҳанинг 24 тасида хато ва камчиликлар аниқланган.

Айрим лойиҳалар, шунингдек, лойиҳада кўзда тутилган мақсадлар доимий ўзгартирилган ёки сифатсиз асбоб-ускуна ва жиҳозлар қиммат нархларда сотиб олинганлиги, баъзи лойиҳаларнинг самардорлик кўрсаткичлари ўта паст даражада ҳамда лойиҳа маблағлари талон-тарож қилиниб, ўзлаштирилганлиги кескин танқидларга сабаб бўлди.

Барча сиёсий партиялар фракциялари томонидан Ҳисоб палатасининг 2020 йилги ҳисоботи маъқулланди. Билдирилган таклифлар ва фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда қуйи палата Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2020 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади.

Нурилло НАСРИЕВ, ЎЗА



ДЕПУТАТ ТОМГА ҲАМ ЧИҚДИ

Бухоро вилоятининг Қорақўл туманида ўрганишлар олиб борган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Назир Собиров тумандаги 34-мактабда бўлиб, ғайритабиий ҳолатга гувоҳ бўлди – юқори синф ўқувчилари бошланғич синфларга мўлжалланган кичик парталарда зўрга ўтиришгани депутат эътиборини тортди.



МОСЛАШГАН ИШ ТАРТИБИ

Уни жорий этиш ташаббуси қўллаб-қувватланмоқда

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси «Аёллар қаноти» фаоллари ниҳоят ушбу ташаббусни ҳаётга жорий этиш учун ҳуқуқий асослар яратишга киришилаётганини таъкидлашмоқда. Чиндан ҳам, 2017 йили аёллар учун мослашган иш тартибини жорий этиш таклифини ҳамма ҳам тушуниб етмади. Айрим сиёсатдонлар ушбу таклифни «аёллар ҳуқуқини камситишга қаратилган ҳаракат» дея баҳолашгача ҳам бордилар.

Аммо жойларда тизимли тарзда олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари «Аёллар қаноти» ташаббуси тарафдорлари сонини кўпайтириш имконини берди. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Мухамеджанованинг таъкидлашича, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг Ижтимоий соҳани ривожлантириш борасидаги вазифалари ижросини амалга ошириш мақсадида 2017 йилнинг 29 сентябрида «Аёл, оила ва жамият: қонун ҳужжатлари ва уларни янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференциясида хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояси ҳамда бандлигини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатларини такомиллаштириш масаласи ўртага ташлиниб, Меҳнат кодексига тегишли ўзгаришлар киритиш таклифи этилган эди.

Шунингдек, сўровномада «Сиз учун асосий қадриятлар нима?», деб сўралганда, уларнинг 97,8 фоизи «оилам», 22,3 фоизи «кишда нуфузга эга бўлиш», дея жавоб берганини айтиш жоиз. Юқоридагилардан кўришиб турибдики, шубҳасиз, опа-сингилларимиз оилавий ва оиладан ташқари оналик ва ижтимоий меҳнат билан боғлиқ мажбуриятларини бажаришда қўлай шароит яратиш учун меҳнат ҳуқуқларига ўзгариш киритишни ёқлаганлар.

30 фоизи масофадан ишладилар. Коронавирус пандемиясидан кейин мослашувчан иш шакллари кўпайиши, шубҳасиз, тизимли ўзгаришларга олиб келади. Буни Америка Қўшма Штатларида қишлоқ хўжалигида бўлмаган иш ҳақи билан ишлайдиган доимий ишчиларнинг 11,9 фоизи ёки 7,6 миллион киши мослашувчан жадваллар асосида ишлашида ҳам кўриш мумкин. Федерал хизмат ходимлари орасида уларнинг улуши 25 фоизга, ишлаб чиқариш саноатидаги ишчилар орасида эса 7,9 фоизга етди.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг буйруғи билан Адлия вазирлигининг 2020 йил 28 мартдаги 3228-сонли рўйхат рақами билан «Карантинга оид чоралар амал қилиш даврида ходимларни масофавий иш усулида, мослашувчан иш графиги ёки уйда ишлашга ўтказишнинг вақтинчалик тартиби тўғрисида»ги Низом ҳам қабул қилинди. Ҳа, чиндан ҳам мамлакатимизда ишсизликни бартавраф этишда янги механизмлар жорий этилаётган бир пайтда, соҳанинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга. Меҳнат бозоридagi муносабатларни тартибга солиш учун эса янги таҳрирдаги Меҳнат кодексини қабул қилиш зарур. Эътиборга молик жиҳати шундаки, янги таҳрирдаги Меҳнат кодексини лойиҳасида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Мослашувчан иш вақти режими бўйича билдирган таклифлари ўз аксини топмоқда.

Шаҳноза СУЛТОНОВА, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши бўлим бошлиғи

Кўп ўтмай, партиянинг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурига фуқароларга, айниқса, хотин-қизларга мослашувчан иш вақти оралиғини белгилашни жорий этиш орқали аёлларнинг оилада кўпроқ бўлишлари учун шароит яратиш, аҳолининг бандлиги, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш эвазига уларни иш билан таъминлашни кенгайтиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш ҳамда оила жамият устун, аёл эса оиланинг устун эканини эътироф этган ҳолда аёлларнинг турмуш ва меҳнат шаро-

Мактаб хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари депутатнинг юзидagi ўзгаришни сезди чоғи, ўқув йили бошида 60 та катта парта буюртма қилинган, аммо ҳалигача етказилмаганини гапириб берди. Мутахассисларнинг эътирофи эътиборга, бундай кичик парталарда соатлаб ўтирган ўспириннинг умуртқалар жиддий шикастланиши мумкин. Депутат шундан келиб чиқиб, шу куннинг ўзидаёқ ушбу масалани тезда ҳал қилишга киришди.

Шунингдек, депутат 2018 йили мактабнинг фақат том қисми таъмирлангани, бугун ачинарли ҳолатга келиб қолган спорт зали эса эътибордан четда қолгани сабабларини ҳам ўрганди. Депутат ташаббуси билан ушбу масала ҳам тез кунда ҳал этиладиган ва маҳаллий кенгаш депутатлари томонидан назоратга олинadиган бўлди.



ОЙНАНИ ОЧИШ МУМКИН, АММО ЭШИКНИ ЭМАС!

ОАВ ва интернет-тармоқларида ахборот тарқатишга доир қонуннинг кучга киришини нафас олиши қийинлашиб бораётган бемордек қабул қилаётган айрим дўстларнинг фикр-мулоҳазаларидан таажжубга тушяпман.

Улар эркинликнинг истеъмолчиси фақат биз бўламиз, дегандек айюҳаннос солмоқдалар. Соддароқ бир ҳолатни тасаввур этиб кўрайлик. Ҳокимият – такси, рўлда – сайланганлар, йўловчи эса юртдошларимиз – халқ... ОАВ вакили ҳам, блогер ҳам халқ орасида бўлади, тўғрими? Уларга алоҳида, имтиёз берилмайди-ку! Юкхонада эса рул йўқ, ё адашманми? Демак, йўловчилар такси танлашди ва белгиланган манзил томон ҳаракатланяпти. Ҳайдовчи манзилга етиб бориш учун йўлни, тезликни, қаерда ва қачон қайрилиш кераклигини ўзи яхши билади. Бас шундай экан, бу жараёнда ҳайдовчига халақит бермаслик керак. Нафас олиш қийинлашса, машина ойнасини очиш мумкин, аммо эшикни эмас.

Албатта, йўловчига озгини маҳкам ёпиб ўтириш талаби қўйилаётгани йўқ. У аниқлик киритиши мумкин: нега қисқароқ йўлдан юрилмаётганини сўраш, ҳайдовчи танловига қўшилмаслиги, ҳатто йўналишини ўзгариш талаб қилишга ҳақли. Шунда ҳам кўнгли тўлмаса, машинани тўхтатиб, бошқа таксига

ўтириш ҳуқуқи бор, унда. Аммо бу жараённинг хавфсиз ва тартибли амалга оширилиши барчанинг манфаатига бирдек тўғри келади. Қолаверса, бу юқорида айтилганидек, йўловчининг сўзсиз ҳуқуқи! Лекин мақсад эмас. Мақсад эса манзилга эсон-омон ва тезроқ етиб олиш, шундай эмасми?

Айюҳаннос солаётганлар эса ўзларини гўё уйда хотини билан уришиб чиқиб, аламини ҳайдовчида олаётган йўловчидек тутишяпти...

Хуллас, сайловда овоз бериб сайлаган кишиларнинг эмин-эркин ишлашга қўйиб беринг. Ишонинг, Сиз истаган манзил сари ҳаракатланаяпмиз. Тўғри, ҳали йўлларимизда ўйдим-чуқурлар бор, тирбандликлар кўп. Бу ноқулай, албатта. Лекин айланма йўллар билан бўлса ҳам, қийин бўлса ҳам, одмироқ бўлса ҳам ўз автомашинамизда кетаяпмиз. Айтмоқчи бўлганим, ҳайдовчиларнинг бошига уравермайлик. Ёқмаётган бўлса, кейинги сафар бошқа такси танлаш ҳам мумкин. Лекин беодоблик, безорилик қилмайлик, бирор гапимиз бўлса, ҳайдовчига халақит бермасдан, тушунarliроқ ва аниқ гапирсак тўғри бўлади...

Зеро, ҳаммамиз ҳам соғ-саломат оиламиз бағрига етиб олиш учун йўлга чиққанмиз.

Нодир ТИЛВОЛДИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Акс-садо

Янги ҳоким

«Кичик Зомин»ни ҳимоя қилмоқчи, аммо...

«Миллий тикланиш» газетасининг 2021 йил 20 январь кунги сонидa «Собиқ ҳоким нега «кичик Зомин» сувини лойқалатди?» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди.

Унда Жиззах шаҳридаги «Шодлик» ҳамда «Наврўз» маҳаллалари ҳудудида чиқиндиҳонага айланган ерни ободонлаштирган тадбиркор С.Бойхўрозовдан ижарага берилган ернинг 1,5 гектари янги мактаб учун ҳокимлик захира ер фондига олиб қўйилаётгани асосли танқид қилинган эди.

Ушундан тадбиркор ушбу ҳолатдан нозори бўлиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А.Қодировга шикоят ёзганди. Кўп ўтмай газета муҳбири Жиззахда бўлиб, «Наврўзбулок» билан танишди, маҳаллий аҳолининг мулоҳазалари асосида ҳокимият эътироф этганидек, бу ер «ташландик» эмас, аксинча, тарихий маскан эканини, маҳалла фуқаролари ҳам бу ерда мактаб қурилишига қаршилиқ қилаётганини очик-ойдин ёзди.

Ушундан тадбиркор ушбу ҳолатдан нозори бўлиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А.Қодировга шикоят ёзганди. Кўп ўтмай газета муҳбири Жиззахда бўлиб, «Наврўзбулок» билан танишди, маҳаллий аҳолининг мулоҳазалари асосида ҳокимият эътироф этганидек, бу ер «ташландик» эмас, аксинча, тарихий маскан эканини, маҳалла фуқаролари ҳам бу ерда мактаб қурилишига қаршилиқ қилаётганини очик-ойдин ёзди.

топириғи билан ушбу муаммо атрофлича ўрганилиб, тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилибди. Биз «Мақсуда Назокат» МЧЖ раҳбари С.Бойхўрозов билан боғланиб, айна пайтда «Кичик Зомин»даги ҳолат ҳақидаги фикрлари билан қизикдик. Тадбиркорнинг айтишича, ҳақиқатан ҳам мақола эълон қилинган куннинг эртасигаёқ янги ҳоким К.Холмуродов «Наврўзбулок»га келиб, ушбу масалани атрофлича ўрганиб, мактаб учун ўқувчиларнинг қатнашига қўлай бўлган ҳамда зарур инфратузилмага эга бўлган жой топиш бўйича кўрсатма берган. Тадбиркор айна пайтда ушбу ер билан боғлиқ бошқа бир муаммо пайдо бўлганини маълум қилди. Фақат бу ҳақида кейинги сонларимизда ўқийсиз.

Advertisement for 'MUNOSABAT' newspaper featuring a man in a suit and the headline 'NEGA «КИЧИК ЗОМИН» СУВИНИ ЛОЙҚАЛАТДИ?'.



УНИНГ СЎЗЛАРИ ГЎЁ БАШОРАТ ЭДИ

Амир Темура жаҳон тарихида қудратли ва гуллаб-яшнаган давлат барпо этган буюк саркарда. Соҳибқирон ўз пойтахти бўлмиш Самарқандни ер юзининг маданий-меъморий ва илмий-маънавий марказларидан бирига айлантирган.

Мамлакат ичидаги вазиятдан хабардор қилиб турувчилар ҳақида «Темура тузуқлари»да ўқиймиз: «Амр қилдимки, ҳар ерда вилоят шаҳар ва лашкар ўрдусуда кундалик воқеаларни ёзувчилар тайин қилсинларким, ҳокимлар, раият, сипоҳ ўз лашкар ва ёт лашкарлар хатти-ҳаракати ҳақида мени хабардор қилсинлар».

Мамлакатда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари фаолияти ҳамда қалъалардаги ҳолатлардан доимий равишда хабардор қилиб турувчилар устидан ҳам қаттиқ назорат ўрнатилган бўлиб, келаётган хабарнинг тўғри ёки нотўғрилиги алоҳида текшириб борилган. Нотўғри маълумот етказганларни жазолаш тўғрисида тузуқларда шундай ёзилади: «Агар хабар ёзувчи бирор сипоҳийнинг хизматини яширса ёхуд хабарни бошқа либосга кийинтириб (ёлгон) ёзган бўлса, у ҳолда унинг қўлини кессинлар. Агар ёлгон

хабарни тухмат ёки ғараз билан ёзган бўлса, уни қатл этсинлар ва яна амр этдимки, ушбу хабарларни кунма-кун, ҳафтама-ҳафта, ойма-ой менинг арзимга етказиб турсинлар».

УНИНГ СЎЗЛАРИ ГЎЁ БАШОРАТ ЭДИ

Темурабекка етказилаётган маълумотларнинг нақадар аниқлиги борасида араб тарихчиси Ибн Арабшоҳ «Ажойибу-л-мақдур фи тарихи Таймура» (Темурабек тарихидаги тақдир ажойиботлари) номли асарига ёзади: «...Темурабек мабодо бирор шаҳарда қўниб, шу шаҳар аёнлари билан суҳбатлашса, у дарҳол фалону фулон тўғрисида, фалон киши билан бўлган бирор ҳодисанинг қай тарзда бўлганини ва ўша воқеанинг нимага бориб тақалганини, фалон билан фулон ўртасида низо тушганда, улар қандай

иш тутганини суриштира бошларди. Шунда ўша суҳбатдош назарини шу воқеалар юз берган вақтда Темурабек ҳозир бўлган экан-да, деган фикр қамраб оларди. Кўпинча Темурабек суҳбатдошига чалқаш масалаларни ташлар, уларга ораларида бўлиб ўтган мунозаралару муқотабалар тафсилотини ўз аслидаи ҳикоя қиларди. Улар гўё Темурабек ўша бўлиб ўтган воқеалардан воқиф, бўлмаса буларни хабарчилари орқали билади, деб тасаввур қилардилар».

САВДОГАРДАН ЭТИКДЎЗГАЧА

Темура давлатида хорижий мамлакатлардаги вазиятдан хабар берувчи разведка, яъни айғоқ хизмати ҳам юксак даражада йўлга қўйилган эди. Ибн Арабшоҳ Темурабекнинг айғоқчилари ҳақида ёзар экан, қуйидагиларни келтиради: «Улардан бири чаканафуруш бўлса, иккинчиси йирик савдогар, бадхулқ полвон ва дорбоз, ҳунарманд, мунажжим, ўз табиатига иш қиладиганлар, қаландарлару саёқ дарвешлар, денгизда ва қуруқликда кезувчи сайёҳлар, зарофатли мешқоблар, латофатли этикдўзлардир...».

Ибн Арабшоҳ Амир Отламиш Қавчин ва Фақир Масъуд Кухжоний ҳақида ёзганда Масъуд Кухжонийни Темурабек девонининг кўзи, Амир Отламиш Қавчинни Қоҳира ва Муизиядаги Темурабекнинг жосуси эди, дея таърифлайди. Ибн Арабшоҳ келтираётган маълумоти аниқлик киритмаган. Зеро, бу вақтда Амир Отламиш Қавчин

Қоҳирада асир эди. Ўз навбатида, қўшни мамлакатларга юбориладиган элчилар ҳам элчиликдан ташқари махсус толшириқлар билан йўлга оланишган.

БИР КУНДА ЎРТАЧА 140 КИЛОМЕТР

Сергаклик ва синчковлик билан атроф давлатларда кечаётган вазиятни ўрганиб бориш ва бу хабарлардан тўғри хулоса чиқара олиш Темурабекка доимо ғалаба олиб келган. Қўшни мамлакатларнинг ҳукмдорлари, амалдору ҳокимлари ва олимлари у ҳақда нималарни гапиришаётгани, бозорларидаги нарҳнаво, шаҳарларнинг таъриф ва тавсифи ҳақидаги хабарлар мунтазам равишда келиб турган. Жумладан, унга қарши Боязид Иилдириш, Султон Барқуқ ва Тўхтамишхон ўрталарида тузилган «учлик иттифоқи»дан ўз вақтида хабар топган Темура Шарқ ва Кичик Осиёдаги режаларини ўзгартириб, иттифокнинг бошида турган Тўхтамишхонга қарши ҳужумга отланди.

Хабарларнинг аниқ ва қисқа муддатларда етиб келишини америкалик тарихчи олим Харольд Ламб қуйидагича изоҳлайди: «Йўлларда махсус хабарчилар кетма-кетликда маълум масофада жойлашган эдилар. Уларнинг воситасида хабарлар қайси вилоятдан бўлмасин, икки кунда пойтахт Самарқандга етиб келарди. Эллик фарсаҳлик йўлни кеча-кундуз тўхтамасдан иккита отда, уч кунда босиб ўтган чопар хабарни кейинги чопарга етказар, у ҳам шу зайлда йўлда давом этган. Тўхтамишнинг

Мовароуннаҳрга қилган босқинчилиги ҳақидаги хабар Шерозда турган Темурабекка Самарқанддан ўн етти кунда етиб борган. Ушбу шаҳарлар орасидаги масофани ҳисоблаганда чопар бир кунда ўртача 140 км. йўл юрган».

45 ЙИЛ ОТ УСТИДА

Деярли ҳар куни мазкур шаклда Самарқандга хабар ташиларди. Француз тарихчиси Жан-Поль Ру ўзининг Темурабек борасидаги тадқиқотларида: «Амир Темура ўзига келтирилаётган хабарларни алоҳида эътибор билан таҳлил қилар ва қабул қила оларди. Унга келаётган хабарлар асосан кунлик, ҳафталик, ойлик ва йиллик хабарлар тартибда етказилган», дейди. Америкалик тарихчи-олим Ричард Нельсон шундай ёзади: «Темурада жанг пайтида энг зарур пайда керакли жойда бўла олишдек ажойиб хусусият мавжуд эди».

Соҳибқирон Амир Темура бир вақтда бир неча ерга юришни бошлар ва бу ҳақда овоза тарқатар, аслида унинг қўшинлари қутилмаган бошқа шаҳар остонасида пайдо бўларди. Буюк саркарда ўз табиатига қўра забардаст, ўлимдан қўрқмас, чуқур мулоҳазали, қатъий иродали, ҳақгўй шахс эди. У умрининг 45 йилини от устида жангу жадалларда ўтказиб, марказлашган қудратли давлат барпо этди.

Абдулҳамид МУТАЛИЕВ,
Темурийлар тарихи
давлат музейи ходими

Тўғри ёзамиз

Ватан ёки ватан?

Ватан сўзининг бош ҳарф ёки кичик ҳарф билан ёзилиши унга берилаётган маънога боғлиқ.
1. Бирор кимнинг туғилиб ўсган ери, унинг келиб чиқиш жойи ҳақида умумий маънода гап кетса, кичик ҳарф билан ёзилади:
– Ҳар бир инсон туғилиб ўсган жойини, яъни ватанини севиши керак.
– Картошканинг ватани – Жанубий Америка.
– Аёлнинг ватани унинг эридир.
2. Бу тушунча ватанпарварлик тўғриси билан ифодаланса, унга олийлик хусусияти ва улкан меҳр берилса, бош ҳарф билан ёзилади:
– Ватан муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир.
– У Она Ватан учун умрини бахшида қилди.
– Шу азиз юрт – бизнинг Ватан.

@xatoliklar

Тарих ва тақдир

Мунавварқори Абдурашидхоновнинг «Турон» театри очилишида сўзлаган нутқи

1914 йил 27 февраль, Тошканд, «Коллизей» театри биноси.



Жамоат!

Сиз ҳурматлуларга тиётр хусусида бир неча сўз айтмакка жасорат қилиб, қаршуларингизга чиқдим. Бу хусусда маним густоҳона ҳаракатимни афу этмаганингизни ожизона рижо қилурман.

Бизни Тошканд шаҳрида бир неча мартаба миллий тиётрлар ўйналган бўлса ҳам, ҳолис Туркистон тилида ҳануз бир тиётр ўйналмаганлиги барчамизга маълумдир. Шу сабабли баъзи кишиларимиз тиётрга, эҳтимолки, ўйинбозлик ёхуд масхарабозлик кўзлари ила боқурлар. Ҳолбуки, тиётрнинг асл маъноси ибратхона ёки улуглар мактаби, деган сўздур. Тиётр саҳнаси ҳар тарафи ойнабанд қилинган бир уйга ўхшайдури, унга ҳар ким кирса, ўзининг ҳусн ва қабихини, айб ва нуқсонини кўруб ибрат олур. Ва бу саҳнада кўзига ёмон кўрунган паст одатлардин ва бузуқ ахлоқлардин узр қилмоқга ҳаракат қилур. Биноналайҳ тиётрни бузуқ ахлоқ касалларининг энг ёқимли давосига ўхшатган киши ёлгончи бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Тиётр саҳнасига чиқиб, юзига ун суртиб, бир масхарабоз шаклига киргон зотлар гўёки табиби ҳоziқ мисолиндадурлар. Булар аччиқ романларни

ширин даволари ила халқга едирурлар ва аччиқ насихатларни сучуқ сўзлари ила халқга зшитдурурлар. Биз шу зотларга ва тиётрларга қандай кўз ила боқмоғимиз керак? Муни ўрганмак учун биз ўзимиздан бошқа мутираққий мамлакатларга боқайлик. Мисли устимизга ҳоким бўлуб тургон русларга, туркларга, немисларга, франсузларга, яҳудийларга ва бошқаларга, кўб узоқ кетмайлик, энг яқин қўшниларимиз бўлгон Қофқоз мусулмонларига. Бундан ўттиз йил муқаддам Қофқоз мусулмонларидин энг аввал чиқиб тиётр китоблари ёзган ва юзига ун суртиб тиётр саҳнасига чиқгон, адиби шаҳид Мирза Фатҳали Охундов жанобларига халқ қандай кўз ила қаради? Марҳум Охундов халқнинг нуқсонини кўрсатгон, миллат тараққийига ва мамлакат ободлиғига хизмат қилгон, исми ҳар ерда ҳақорат ила зикр қилинурди ва ўзидан ҳар ким нафрат қилурди. Лекин ўттиз йил ўтгандин сўнг марҳум Охундов жанобларининг чеккан машаққатлари ва тортгон заҳматларини миллат ўйлаб, тақдир қилуб, онинг хотираси ва руҳининг шодлиғи учун улуг бир юбилей, яъни дуо мажлиси ясадиларки, ҳозирга қадар бундай улуг мажлис мусулмонлардин ҳеч бир киши учун ясалғони йўқдур. Марҳум Охундов тутган йўлнинг улуг фойдалари ҳозирда кўринмакда бошлади. Қофқозиянинг ҳар бир ерида жамияти хайриялар очилуб, аларнинг тиётру шўбалари ташкил топди, буларнинг энг машҳурлари Боқуда «Нажот жамияти»дурики, бу жамият тиётр воситасида Қофқоз халқининг ахлоқини хийла ислоҳ қилди, гафлатдин уйғонтирди, тараққий ва маорифга ҳавасларин ортдирди. Ҳозирда тиётр воситасида ҳар йил минларча ақча жамъ қилур. Юзларча мусулмон фақир ва ожизларга ёрдам берур. Қўлидан келгунча миллатининг номус ва обрўсини ҳифз қилур ва шаҳарининг атрофида бўлгон қишлоқларда ўттузга яқин

мактаблар очуб, ислом болаларини тарбия ва таълим қилур. Юзларча миллат болаларини тарбия қилуб, ўқитуб, ҳақиқий миллат ва ватан ходимлари этиб майдонга чиқарур.

Модомики, бизим энг яқин қўшниларимиз ва ватандошларимиз ва диндошларимиз бўлгон тоторлар ва Қофқоз мусулмонлари бу тариқа тараққий ва тамаддунга кадам қўйдилар. Ва ёлғиз тиётр воситасида ўз миллат ва ватанларина бунча хизматлар кўрсатдилар. Биз, туркистонликлар на учун онлардин ибрат олмаймиз? На учун ўз тилимизда тиётрлар ясаб, орамизда бўлгон бузуқ одатларни йўқ қилмоқга ҳаракат қилмаймиз? На учун Туркистонда биргина бўлгон жамиятимизни ва фақирликдин инқирозга юз тутган мактаб ва маорифимизни ободлиғига саъй ва кўшиш қилмаймиз?

Бизим Туркистон мамлақати туфрор, суе ва ҳаво жиҳатидин энг бой мамлакатлардин бўла туруб, на учун ўзумиз бундан фойдалана олмаймиз? Мана, кетма-кет етган бундай саволларга жавоб бермак учун нодонлиқ ва оламдин хабарсизлик, демакдин бошқа чора йўқдур. Бу нодонлиқ ва дунёдин хабарсизлик балосидан қутулмак учун энг аввал орамизда ҳукм сурган бузуқ одатларнинг бузуқлиғини билмак ва ўрганмак керакдур.

Бас, бизга бу билдургувчи ва ўргатувчи ёлғиз тиётр саҳнасидур. Сония онларни тарқ қилмак керақдурики, они тарқ қилдирувчи яна жамият ва тиётр воситасида очилгон мактаб ва мадрасамиздур. Шу сабабли ҳимматли ёшларимиздан ва ҳимматли бойларимиздан бу тиётрларга фақат ўюн ва масхарабозлик кўзила боқмасдан, миллат ва ахлоқ жиҳатидин энг ибратли бир манзара ва улуглар учун очилгон фойдали бир мактаб назари ила боқмоқларини ожизона арз ва истирҳом қилурман.

«Туркистон вилоятининг газети»,
1914 йил, 2 март

Кулайми, кўями?!




Тўғри ёзилган сўзни топинг

Ҳикмат

Ақлим ҳар кун товба қилар. Нафсим ҳар кун товбамни бузар. Иккисининг орасида қолган бир бечораман. Яхшиямки, Роббим, Сенинг даргоҳинг бор...

Жалолиддин Румий



КЕЛАЖАК СОХТАЖОРЛИКНИ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ ИНСТИТУТИ ЕТАКЧИ ИЛМИЙ ХОДИМИ, ПРОФЕССОР ҚАҲРАМОН РАЖАБОВ БИЛАН СУҲБАТ

– Қахрамон ака, аввало, миллий тарих хусусида гаплашсак. Яқин-яқингача олий ва ўрта таълим тизимида миллий тарихни ўқитиш ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган. Аммо охириги ўн йилликларда жаҳон тарих илмида қарашлар ўзгармоқда. Росмана миллий тарих ёзилиши, илмий тилда айтганда, кодификация қилиниши тарихнинг сохталаштирилиши, ноҳолис ўқитилишига олиб келади, деган фикрлар айтимокда. Академик илм вакиллари соҳа бўйича муайян қилишдаги дарсликлар ёзилишига қарши чиқаётган бир пайтда, бошқа бир гуруҳ зиёлилар миллий тарихни ўқитмаслик салбий охибатларга олиб келишидан огоҳлантирмоқда. Бу икки нуқта назарни ўзaro келиштириш мумкинми?

– Мен ҳам суҳбатимизни айрим саволлар билан бошламоқчиман: нега ҳозиргача кўп жылдди академик фундаментал нашр – Ўзбекистоннинг миллий тарихи яратилмади? Энг қадимги даврлардан то бугунгача бўлган яхлит тарихимиз нега ягона концепция асосида ёзилмапти?

Бунга қандай объектив ёки субъектив омиллар тўсқинлик қилмоқда? Ушбу саволларга жавоб излаш асосида сиз ўртага ташлаган масалалар ҳам ойдинлашади, деган умиддаман. Фикримча, миллий тарихни яратмоққа бел болаган олим ўша миллатга мансуб бўлиши; унинг ақлидоки, илмий ва тарихий қарашлари тўлиқ у яшаётган мамлакат ва халқ манфаатларига ҳизмат қилиши керак. Ёшлигидан оврупоча тарбияланган ва билим олган, она тилини унутиб «катта оға» лисонига ўтиб кетган олим қандай қилиб миллий тарихни битсин?! Ахир, унинг фикрлаш тарзи, тарихга қарашлари ва фалсафаси, қўйинги, бутун зехнияти, менталитети халқимиз интилишлари ва манфаатларидан фарқ қилади-ку!..

Тарихчилар Ўзбекистоннинг миллий ғоя билан сўғорилган тарихини яратди ҳам дейлик. Аммо бу китоб кўпмеънамли муҳокамадор тегирмонидан омон чиқмоғи, беадоқ тўсиқларни ошиб ўтмоғи лозим бўлади. Бунга муаллифларнинг умри етармикан дегн?!

Сир эмас, ўзбек халқининг келиб чиқиши, унинг шаклланиши борасида тарихчи ва антропологлар ўртасида турлича қарашлар мавжуд. Жаҳонда тан олинган олимларимиздан академик Аҳмадали Аскаронинг «Ўзбек халқининг келиб чиқиши» монографияси тўққиз марта муҳокама қилинган. Уларнинг даярли барчасида тақризчилардан бири ўлароқ қамини ҳам қатнашганман. Адашмасам, муҳокамаларнинг охиригиси Шарқшунослик институтида бўлиб ўтган эди. Ушанда махсус тайёрланган «экспертлар шойини бўз дея кўрсатмоққа зўр беришди, асарнинг қийматини атайин ерга уришди. Бироқ инсофли олимларнинг қўллови билан кўпмеънамли нашрга тавсия этилди. Китоб 2015 йили «Ўзбекистон» нашриётида атиги 1000 нусxada чоп этилди. Тадқиқот давлатимизнинг янги раҳбари назарига тушибди. Ўзбек ва рус тилларида қайта чоп этилди, тақдимотлар ўтказилди. Буни қарангки, асарнинг чоп этилишига тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатган жанобнинг ўзи, вазият ўзгаргач, тақдимотда ташаббусни ўз қўлига олди...

Тарих илми «ҳасби ҳолига» доир бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Сиз айтганга миллий тарих масаласига келсак, икки нуқта назарни таъкидламоқчиман.

Биринчидан, «миллий тарихнинг кодификация қилиниши тарихнинг сохталаштирилиши, ноҳолис ўқитилишига олиб келади», деган қарашга асло қўшилмайман. «Академик соҳа вакиллари муайян қилишдаги дарсликлар ёзилишига қарши чиқиши» борасидаги фикр ҳам тўғри эмас. Академия олимлари барча дарсликларни эмас, балки мазмуни саёз, қурама-қўлбола усулда – турли китоблардан кўчириш орқали ясалган, ўқувчини қуруқ ёдлашга ўргатадиган ҳаваскорона қораламаларни ёкламайди. Қайд этиш жоизки, дарслик ёзиш тартиби, мазмун-мундарижанинг ўқув дастурига мос келиши, муаллифлар жамоаси; муҳокама, нашрга тавсия ва чоп қилиш билан боғлиқ бутун жараён Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда уларга қарашли турли методик марказлар тасарруфидир. Шахсан мен сўнги 20 йилдан ортиқ вақт мобайнида олий таълим ва мактаб учун ёзилган талай дарсликларга муаллифлик, ҳаммуаллифлик қилдим. 2017 йилдан 10-синф ўқувчиларига совет даври тарихига оид биз тайёрлаган «Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991)» дарслиги ўқитилмоқда.

Иккинчидан, юртимизда сўнги йилларда ёзилган китобу дарсликларда ўтмиш сохталаштирилганига гувоҳ бўлмадим. Сидқидилдан фаолият юритиб келаётган фидойи олимларимиз шахсиятига тегадиган бундай нораво гаплар қаердан пайдо бўлгани ҳам менга қоронги. Бироқ қўшни давлатларда чоп этилаётган шу хил нашрларда эгамен халқ ўтмиши улуғланаётгани ва идеаллаштирилганидан хабарим бор. Уларда туркий халқларнинг XX аср биринчи чорагигача бўлган муштарак тарихи бузиб кўрсатилмоқда. Хусусан, минтақада энг катта нуфуз ва нуфусга эга ўзбек халқининг ўтмиши сохталаштирилмоқда. Бундай шовинистик, миллатчилик ҳолларининг бизда учрамаётгани халқимиз зехниятида асрлар давомида шаклланиган бағрикенглик, очкилик, ўзгалар фикрига ҳурмат фазилатлари билан изоҳланса ажаб эмас.

Хонаси келганда айтмай, бугун олий таълим тизимидаги айрим масуллар номуахассис олий ўқув юртларида «Ўзбекистон тарихи»

фани ўқитилишига рўйхушлик бермаётир. Негадир ушбу фанга ажратилган ўқув соатлари йил сайин қисқартирилмоқда. Назаримда, муаммонинг бу каби жиҳатлари ҳам алоҳида тадқиқ-тафтиш этилмоғи лозим.

– *Ўтган асрнинг 20-йилларида 40-йилларига қадар Ўзбекистон ССРда тарихга ёндашув, рамзий тарихий капитални (шахслар, сулолалар) танлаш юзасидан кизгин бахслар кечган эди. Бу борада олимлар Александр Семёнов ва Александр Якубовский концепциялари ўртасидаги курашни қайд этиш жоиз. Классик рус шарқшунослик мактаби вакили бўлган А.Семёнов Урта Осиёда эроний цивилизация изларига алоҳида эътибор қаратар, ўзбеклар тарихи XV асрдан бошланади, деб ҳисоблар эди. Бу нуқтаи назар кўлаб маҳаллий олимлар ҳамда титул миллат зиёлилари билан, азбаройи сиёсат, ҳисоблашши кераклигини англаган рус тарихчиларига ҳам хуш келмади. А. Якубовский эса ўзбек миллати Дашти Қилчоқ (Шайбонийхон) ўзбеклари билан боғланмайди, уларнинг этногенези жуда узоқ ўтмишга бориб тақалади, деб таъкидлайди. Шўро тарихчилигида қабул қилинган ушбу қараш бугун ҳам ҳукмрон.*

Мустақиллик йилларида тарихни қайта кўриб чиқиш борасида даъватлар янгради-ю, назаримда, жиддий ўзгаришлар бўлмагандек. Эскича ёндашув сақлаб қолинди. Амир Темурга нисбатан муносабат ўзгарди, СССР даврига қайта баҳо берилди, ҳоло. Миллий тарихнинг умумий структураси, асосий ёндашувлар, миллий қахрамонлар, рамзу тисоллар даярли ўзгармади. Нега Чингизхон ва Шайбонийхонга бирёқлама баҳо бериш, ҳонлик даврини нукул қора бўёкда тасвирлаш, мозийни халқ қўзғолонларию озодлик курашларидан иборат дея талқин этиш каби совет даври парадигмаларида дадил воз-кечилмади? Қолаверса, нега Ўзбекистон тарихи янги антропологик ва тарихий назариялар асосида ёзилмапти?

– Кўп қатламли ва тағмаёноли саволингизнинг иккинчи қисмига қўшила олмайман. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тарих фани методологиясида жиддий ўзгаришлар юз берди. КПСС ва СССР тарихи билан шугулланган олимлар (улар тарихчиларнинг 90-95 фоизини ташкил қилган!) дастлаб довдираб қолгани рост. Коммунистик мафкура ҳукмрон мавке касб этган, марксча-ленинча методология, синфий кураш ҳақидаги назарий таълимотлар устувор бўлган жамиятда уларнинг остиги олчи эдида. Ана шундай мураккаб, зиддиятли шароит – XX асрнинг 90-йиллари бошларида Ўзбекистонда миллий тарих мактабини яратиш йўлида илк қадамлар ташланди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти (бу даврда институтга Раъно Ражапова ҳамда Аҳмадали Аскарлов раҳбарлик қилган) томонида ўзбек тарихчиларининг истиқлол мафкураси билан қуролланган янги авлодини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Мустақиллик йилларида нафақат Амир Темур, балки ўтмишдаги барча ўзбек ҳукмдорлари, давлат арбоблари, ислом дини уламолари, тасавуф ва адабиёт намояндalarига нисбатан бўлган ноҳолис муносабатга барҳам берилди. Аҳли сиёсатнинг қошқовоғига қаралдим, истиқлолнинг дастлабки ўн йилликларида Турк хоқонлиги, Хуннлар давлати, шайбонийлар сулоласи, Туркистон легиони (Туркистон миллий ўрдуси), Аттила, Муҳаммад Шайбонийхон, Убайдуллохон, Абдуллохон, Шароф Рашидов сингари тарихий шахслар ҳақидаги салбий қарашларни ўзгаришмоққа журъат қилинмади. Бу борадаги методологик камчиликлар ва янглиш нуқтаи назарлар аста-секин тузатилмоқда.

«Миллий тарихнинг умумий структураси, асосий ёндашувлар, миллий қахрамонлар ўзгармади», деган фикрингизни тўғри дея олмайман. Бироқ баъзи мулоҳазаларингизда жон бор. Инчунун, совет даври парадигмаларидан тўлиқ воз кечилмаганини рад этиб бўлмас. Бунинг асосий сабаби шуки, сўнги ўн йилларда Ўзбекистонда академия фаолияти, илм-фан тизими эътибордан хийла четда қолди. Олиму зиёлилар, таъбир жоиз бўлса, кўчага чиқариб қўйилди. Коррупция ва порахўрлик тараққиётга тушов бўлди. Иқтисодиётда ҳам аҳвол ачинарли: катта-катта завод-фабрикалар ёпилди, уларнинг биноу дов-дастгоҳи «хусусийлаштириш»

ёрлиғи остида қорчалонлар амлокига айланди. Муҳташам иморатлар қуришга зўр бердиг-у, аҳолининг туриш-турмушини унутиб қўйдик. Кўпсонли юртдошларимиз иш қидириб яқин-йироқ ўлкаларга йўл олди. Бошқа соҳа вакиллари каби айрим тарихчи олимлар ҳам рўзгор тебратилиш учун сеvimли машгулотидан воз кечиб, ўзини бозорга урди ёки муҳожиротда мардикорлик қилишга мажбур бўлди...

Совет Иттифоқи парчалангача, мустақил бўлган асар давлатларда миллий тарихга муносабат тубдан ўзгарди, академик адабиётлар чоп этилди. Сўнги йилларда 5 жылдди «Қозоғистон тарихи» қозоқ ва рус тилларида, 6 жылдди «Озарбайжон тарихи» озарча чоп этилганидан хабарим бор. Иқтисодий жиҳатдан биздан ночорроқ Тожикистонда ҳам 5 жылдди босиб чиқарилди. Ҳатто Россия Федерацияси таркибидаги Татаристон Республикасида 7 жылдди «Татар тарихи» татар, рус, инглиз тилларида чоп этилди. Кўп жылдликнинг туркча, арабча, хитойча таржималари ҳам нашрга тайёрланмоқда экан.

Латвия, Украина, Беларусь, Грузия, Қирғизистон каби мамлакатларда ҳам миллий руҳ билан сўғорилган тарих китоблари дунё юзини кўрди.

Юртимизда сўнги 30 йилда бу соҳада амалга оширилган ишларни ҳам бир сарҳисоб қилсак. Кўшни давлатлар орасида айнан бизда биринчи марта 1993 – 1994 йилларда коммунистик мафкурадан холи бўлган, миллий кадрлар билан сўғорилган, 5-9-синф ўқувчиларига мўлжалланган «Ўзбекистон тарихи» дарсликлари аввал ўзбек ва рус тилларида, сўнгра қозоқ, қирғиз, туркман, тожиқ, қорақалпоқ тилларида нашр қилинди.

2019 йилда «Ўзбекистон» нашриётида 2 жылдди «Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991)» академик нашри 1000 (минг!) нусxada чоп этилди. 34 миллион нуфусли халқ учун бу жуда кам эмасми?! Наҳотки, шундай фундаментал китобларни кўпроқ ададда чоп этиш учун маблаг топилмаса?

Шу залворли илмий тадқиқотнинг муаллифларидан бири ва масъул муҳаррири сифатида таъкидлаб ўтишим жоизки, уни тайёрлаш ва чоп этишга 30 дан ортиқ муаллиф жалб қилинди, салкам 10 йил вақт кетди. Икки жылдликда Ўзбекистоннинг совет йилларидаги тарихи бутун мураккаб ва зиддиятли билан кўрсатилди. Кам ададда чоп этилган китоб бир ой ичида сотилиб кетди. Узимизда ва хорижда уни излаб юрганлар қанча! Аммо китобни қайта чоп этиш тўғрисида кўп марта таклиф айтилган эсада, ҳозирча мурод ҳосил бўлмади.

Мен фаолият юритаётган Фанлар академияси Тарих институти раҳбарияти 2021 йилдан 10 жылдди «Ўзбекистон тарихи»ни яратиш бошланганини эълон қилди. Аслида, кўп жылдлик бўйича ишлар мен аспирантурага кирган 1989 йилда ҳам қизгин кечаётган, ўша кезлар илмий жамоа олдиға 6 ёки 8 жылдлик яратиш вазифаси қўйилган эди. Академия институтлари жорий йилдан тўлиқ давлат бюджети ҳисобига ўтказилгани, олимлар маоши оширилгани эътиборга олинса, миллий истиқлол ғояларига йўғрилган кўп жылдлик яқин ўн йилларда дунё юзини кўришига умид қилса бўлади.

Совет даврида тарих коммунистлар белгилаб берган кўрсатмалар асосида ёзилгани маълум. (Москвада 1938 йили Иосиф Сталин масъул муҳаррирлигида биринчи марта рус тилида чоп этилган «ВКП(б) тарихи. Қисқача курс» китобини эслайлик!)

Афсуски, бугун ҳам ҳур фикрга тоб-тоқати йўқ, маҳдуд қарашли арбоблар учраб туради. Шундай тоифага қарата «Баракка топқурлар, тарихчиларни ўз ҳолиға қўйинг. Оёқдан чалиш ўрниға андак моддий кўмак беринг, фикрий эркинликни ҳурмат қилинг! Ёрдан кўрсатиш қўлингиздан келмаса, жиллакурс, ишға халал берманг!» дегим келади. Архивлардаги «Мутлақо маҳфий» тамғали ҳужжатларни ўрганишға рухсат берилсам, ўн йиллар давомида ғаладонда чанг босиб ётган айрим кўпмеънамли нашр қилинсам!

Шу ўрнда АҚШ давлат котиби Ҳенри Киссенжернинг қуйидаги фикри ёдимға тушди: «Американинг доимий дўстлари ва душманлари йўқ, балки миллий манфаатлари бор. Мен ана шу манфаатлар йўлида камарбастаман!»

– *Совет даврида «босмачилик ҳаракати» деган ёрлик ёпиштирилган қуролли кураш ҳаракати замонавий тарихчиликда «истиқлолчилик» деб аталмоқда. Мазкур атама қабул қилинишида сизнинг ҳам хизматингиз катта. Қаршилик ҳаракатига қайта баҳо берилгани яхши, албатта. Лекин бир ноҳолис қарашдан воз кечиб, иккинчи ноҳолис қарашға йўл*

очиб бермадикмикан? Ушбу ҳаракат иштирокчилари орасида мақсад-мўлжали ҳар хил бўлган гуруҳлар мавжуд эди. Сираси, уларнинг барчаси ҳам том маънода истиқлолчи эмас эди. Улар сидирғасига истиқлолчи, ватанпарвар деб аталса, тарихий ҳақиқат бузилмайдими? Қолаверса, ҳаракат вакиллари ўзини «босмачи» ёки «истиқлолчи» эмас, «муҳоҷид» деб атагани маълум. Утмишдаги ҳарбий, сиёсий ва мафкуравий гуруҳларнинг номини ўзгартириб ишлатиш қай даражада тўғри? Узлари истифода этган номни қолдирган маъқул эмасми?

– Атамалар ҳақида баҳсға киришувдан олдин «лирик чекиниш» қилсам. Мен 1989 йил ёзда Тошкент давлат университети тарих факультети КПСС тарихи бўлимини (эътибор беринг-а, у кезларда республикада «Ўзбекистон тарихи» ихтисослиги бўйича бирорта мутахассис тайёрланмаган!) тугатган, Фанлар академияси Тарих институтиға бордим. Ҳужжатларим билан танишган институт директори, тарих фанлари доктори Раъно Ражапова аспирантураға киришни маслаҳат берди. Ўша йили аспирантураға кирдим, Раъно Ёдгоронининг ўзи менга илмий раҳбар бўлди. 1995 йили «Фаргона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918 – 1924)» мавзусида номзодлик, 2005 йили «Туркистон минтақасида совет режимиға қарши қуролли ҳаракат (1918 – 1924)» мавзусида докторлик диссертацияларини ёқладим. Ийиллар ўтиб, ўзим шогирддан устозға айланганча, бу мураккаб мавзунинг турли жиҳатлари ёритилган диссертацияларға раҳбарлик қилдим...

Илмий ишларимизда Туркистон худудида, жумладан, Фаргона водийсида Россия ва СССРнинг мустамаккачилик сиёсатиға қарши кечган истиқлолчилик ҳаракати совет даврида сохталаштирилгани, ушбу ҳаракат аслида миллий мужодала кураши эканини асослаб берганмиз. Истиқлолчилик ҳаракати бўш бир заминда пайдо бўлиб қолмади, унинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ғоявий, диний-маънавий, миллий илдишлари ҳамда мустаҳкам асослари мавжуд эди. Ўлка халқларининг 50 йил давомида Россия империясини зулми остида огир турмуш кечиргани, большевикча режим ушбу тартиботни янада мустаҳкамлагани, Туркистон Мухторияти ҳукуматиининг қизил гвардиячилар томонидан 1918 йил февраль ойида тор-мор қилиниши бунда фақат бир туртки вазифасини ўтаган, ҳоло. Истиқлолчилик ҳаракати «бир ҳовуч бандит ва безорилар»нинг қуролли журужи бўлмади, ўз сарҳисолини, жадид мунавварлари ва уламолардан иборат ғоявий раҳнамо-мафкурачиларига, қўрбоши ва сардорлардан иборат йўлбошчиларига эга бўлган муазам ҳаракат эди. Ушбу ҳаракат мағлубиятининг талай жиддий сабаблари бор: кўрбошилар кураш жараёнида яхлит бирлик ярата олмади; мужоҳидлар етарли миқдорда замонавий қурол-яроққа эга эмас эди; очарчиликнинг даҳшатли чанғали истиқлолчилар ва аҳоли бўғиздан олиб турган бир даврда совет Россияси ўз қўшинига Марказдан ғалла юбориб турарди, большевикча режим маҳаллий миллат вакиллари билан бир қисмини ўз томонига оғдириб олишға муваффақ бўлган эди; истиқлолчиларға хорижий давлатлардан моддий ва ҳарбий ёрдам кўрсатилмаган эди. Истиқлолчилар ана шундай мушкул вазиятда ёлғиз ҳолда, босқинчи қўшинға қарши 17 йил давомида хаёт-мамонт курашини олиб борди.

Фаргона водийси, Самарқанд вилояти, Бухоро ва Хоразм республикаларида қизил армияға қарши курашға отланган аждодларимиз ўзларини ҳеч қачон «босмачи» ёки «қароқчи» деб атамаган. Уларға большевизм маддоҳлари томонидан тақдир билан бу ном тарих саҳифаларида муҳрлиб қолди. Афсуски, бундай номақбул атамаларға бугун ҳам дуч келамиз. Архив ҳужжатларида улар истиқлолчилар, қўрбошилар, мужоҳидлар, фидойилар, озодлик курашчилари, йигитлар каби номлар билан тилға олинган. Биз ҳам ўз тадқиқотларимизда шу номларни қўллаганимиз. «Босмачилик» ўрниға «истиқлолчилик» истилоҳини илк бор илмий истеъмолга киритганимиз рост. Бу атамаларнинг илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилишида устозим Раъно Ражапованинг ҳиссаси бекиёс бўлди. Мендек гўр шогирд ва исёнкор аспирантға умрбоқий бир мавзунни ўрганишни тавсия қилган, яқиндан кўмак кўрсатган, ўша кезлар «тарих ва сиёсат» осмонида калхатдек парвоз қилаётган кимсалардан мени умрининг охиригача ҳимоя қилган талабчан ва билимдон устозим хотираси олдида ҳамиша қарздорман.

КЕЧИРМАС



Боя қайд этганимдек, докторлик диссертациям ҳам Туркистон истиқлолчилари ва кўрбошиларига бағишланган. Аммо не ажабки, 20 йилдан буён монографияни чоп этадиган журъатли ношир топилмапти.

— *Хабарингиз бор, уч йил олдин қардош озар ўлкасида Озарбайжон Демократик Республикасининг юз йиллиги кенг нишонланди. Бинобарин, у Озарбайжон тарихидаги шк демократик давлат эди. Ўзбекистон заминиди таъсис этилган Туркистон Мухторияти ҳам, қисқа муддат яшаган бўлса-да, миллий давлатчиликда муҳим ўрин тутмади. Лекин мамлакатимизда Туркистон Мухториятига нисбатан муносабат маъҳум ва зиддиятли бўлиб қолмоқда. Бир томондан, илмий адабиётларда унга ижобий баҳо берилди. Бошқа томондан, мухторият тарихини абадийлаштириш, жиҳдий тадиқот, экспедиция, анжуманлар уюштириш унутилган-дек. Туркистон Мухториятининг 100 йиллиги ҳам бир гуруҳ зиёвчилар ташаббусига кўра мўъжаз анжуман тарихида нишонланди, расмий даражада тадбирлар ўтказилмади...*

— *Мени ҳам кўпдан ўйлантриб келаётган масаладан гап очдингиз. Истиклолчилик ҳаракати ва кўрбошиларга бўлгани каби минтақадаги дастлабки демократик давлат - Туркистон Мухториятига нисбатан ҳам тушунисиз муносабатини кузатиш мумкин. Мамлакатимиздаги айрим сиёсий элита намояндаларига миллий туйғу, ватанпарварлик хусусиятлари бегона эмасмикан, деган хаёлларга бораман гоҳо. Яқин ўтмишда шундай бир гуруҳ мансабдорлар давлат раҳбарига муносабат қилиб, бундан 100 йил олдин «Ҳокимингга бормайман, мингбошингга ялинмайман» деб ёзган оташқалб маърифатпарвар Ҳамза шахсиятига табу эълон қилишди. Ташкент ва Фарғонадаги кўплаб масканлардан шоир номи ўчирилди, уни қоралаб мақолалар чоп қилинди. Кўпчилик бу ҳолатнинг асл сабабини тушунишга ожиз қолди.*

— *Туркистон Мухториятининг (2017), истиқлолчилик ҳаракати бошланганининг (2018), Хоразм ва Бухоро Халқ Совет Республикалари ташкил топганининг (2020) 100 йиллиги каби муҳим тарихий саналар ҳам кенг миқёсда нишонланмади.*
— *Озарбайжон Демократик Республикасининг 1918 - 1920 йиллардаги қисқа, бироқ ёрқин тарихи менга яхши таниш. Камина 2018 йили Ганжа шаҳрида ташкил этилган халқаро илмий анжуманда «Озарбайжон Халқ Республикаси ва Туркистон Мухторияти - туркий халқлар давлатчилиги тарихида нодир ҳодиса» мавзусида маъруза қилганман. Туркий тилли давлатларда ўтказиладиган анжуманларда мен одатда ўзбекчада гапираман. Яссавий ва Навоий тили бутун туркий дунёда тушунарли ва мулоқот учун қулайдир...*
— *1918 йил февралда Қўқон шаҳри қизил гвардиячилар ва арман дашноқ отрядлари томонидан қонга ботиради, уч кунда 10 минг нафар тинч аҳоли ўлдирилади. Қўқонда биргина Рус-Осиё банки биноси омон қолади. Мағлуб маҳаллий халқ билан ғолиб совет ҳокимияти вакиллари ўртасида сулҳ тузилади. Ун йиллар давомида сиёсатчилар ва совет тарихчилари Туркистон Мухторияти буржуа-помещиклар ва бой феодалларнинг автономияси эди, дея ёлғон ташвиқот юритиб келди. Шу тариқа маҳаллий аҳоли онгидан мухториятнинг шонли тарихи ҳақидаги хотиралар ўчирилди. Совет давлати емирлгач, ҳокимият тепасига келган миллий сиёсий элита вакиллари эса негадир бу масалага*

этибор қаратишни эп кўрмади. Совет даври ва коммунистик мафқуранинг бундай тутумлари жони қаттиқ вирус каби ҳозиргача яшаб келаётганига нима дейсиз?!

— *Миллий тарих ва миллатчилик мавзусида ҳам мулоҳазаларингизни эшитсак. Миллий тарихга махлиё бўлиш, уни идеаллаштириш миллатчиликка олиб боради, деган қараш маъжуд. Бундай нуқтаи назар миллийлик тушунчасига нисбатан ўғайлик, ҳатто нафратни юзага келтирмақда. Пантуркчилар ва панэрончилар, миллатпарварлар ва миллийлик муҳолифлари... турли гуруҳлар ўртасида гоёвий кураш авжга чиқмоқда.*

— *Тарих сиёсат хизматида бўлишни ёқлайдиган ҳамкасбларингизни ҳам учратганман. Ҳолбуки, академик тарихчилик холис бўлмоғи, воқеа-ҳодисаларни объекте баҳоламоғи лозим. Тарих мафкура қуроли бўлиб қолишни қандай баҳолайсиз? Уни мафкура, миллатчилик таъсирдан асрашнинг имкони борми?*

— *Қаранг, бу саволингиз ҳам икки қисмдан иборат экан. Биринчи қисмига ўзингиз жавоб бериб ўтдингиз. Иккинчи қисмга келсак, дарҳақиқат, академик тарихчилик ҳар қандай масалада холис мавқеда турмоғи лозим. «Тарих - сиёсат хизматида» деган иборани эса сиёсатчилар ўйлаб топгани аниқ. Бу ёғни сўрасангиз, наинки расмий тарих, бошқа ижтимоий-маданий институтлар ҳам сиёсатга хизмат қилиши сизу бизга таниш ҳолат эмасми?*

— *Албатта, тарихни миллатчиликдан ажратиб олиш муҳим. Аини чоқда, мафқурасиз, миллий ғоя ва манфатларсиз тарих бўлмаслигини ҳам унутмаслик керак. Ҳар қандай халқ ёки давлатнинг тарихи, энг аввало, ўша халқ ёки мамлакат манфаатларига хизмат қилсагина ҳақиқий тарих ҳисобланади.*
— *Кўп кузатаман, бошқа соҳа мутахассислари тарихчиларни ўтмиш воқеалари ёки жамиятда содир бўлаётган бугунги ўзгаришларни нотўғри талқин этишда айблайди. «Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга» дегим келади уларга. Аини чоқда, ўзини хурмат қиладиган, тарихчи деган номга гард юқтиришни хоҳламайдиган ҳар бир олим мудом холисликка содиқ қолмоғи, ҳушёрлик ва зийраклик ила ҳақиқат тарозисининг кўш палласини мувозанатда тутиб турмоғи даркор.*

— *Пантуркчилар ва панэрончиларни эслаб ўтдингиз. Нега панинглизчилар, пангерманчилар ёки панрусчилар демасиз? Албатта, бундай илмий истилоҳларнинг йўқлигини яхши биламан. Гап шундаки, пантуркизм, пантуронизм, панисломизм, панэронизм атамалари XIX асрда босиб олинган ҳудудларда миллий озодлик ҳаракати кучайган кезларда Европа мустамлакачилари томонидан ўйлаб топилди. Буюк Британия империяси мутлақ ҳукмронликка интилгани маълум. Бу йўлда рақобатчи давлатлар бор эди: Русия, Германия, АҚШ, Франция, Япония... Улар бир бўлиб Усмонли турк империясини парчалаш, бўлинган дунёни қайтадан тақсимлаш учун курашга киришди. Европалик экспертларнинг фикрича, жаҳон уруши аслида Усмонлилар давлатига қарши бошланган керак эди. Чунки у даврда барча муслмон ўлкалари, жулдан, туркий халқлар Европа жаҳонгирлари чангалида бўлиб, фақат Усмонли салтанатигина мустамлакачилик сиёсати қарши чиқаётган эди. Уттиз йил ичида бўлиб ўтган Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари эса дунёда кучлар нисбатини тубдан ўзгартириб юборди...*

— *Россияда 1917 йил кузида большевиклар ҳокимиятга келгач, инглиз империалистлари жорий қилган пантуркизм, панисломизм тушунчалари қайта «тирилтирилди». Туркий халқлар ва муслмонларга қарши ўзига хос «салб уруши»ни олиб борган совет Россиясининг ҳарбий-сиёсий кучлари совет режими қарши қаратилган исён ва норозилик чиқишларини бостириш асосида озодлик ҳаракати вакиллари «миллатчи», «босмачи», «пантуркист», «панисломист», «халқ душмани» каби тамгаларни босди. Қўйиб берсангиз, ҳозир ҳам бу ёрликларни мустақил қарашга эга, ўз «мен»ини йўқотмаган журъатли зиёли ва миллатпарварларга ёпиштирадиганлар топилади.*

— *Илм-фаннинг жамиятдаги ўрни борасида мунозаралар кўп замондан бери давом этиб келади. Айримлар фақат аниқ фанлар аҳамиятига ургу бериб, гуманитар фанларни бефойда, деб ҳисоблайди. Ваҳоланки, жамият раёнақида ҳар қандай соҳанинг айрича ўрни бор. Сизнингча, олимларнинг, фаннинг миссияси нимадан иборат? Илм аҳли бошқарувни такомиллаштириш, жамиятнинг гоёвий ўсиши, ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қай даражада ҳисса қўшмоғи лозим?*

— *Ҳар бир миллатнинг ўз тарихи бор. Унинг шаклланишида эса тил ва адабиёт муҳим аҳамият касб этади. Яшириб нима қилдим, ўзбек тили, адабиёти ва тарихининг ҳозирги аҳволидан қониқмайман. Давлат тилининг нуфузини қонуни қарорлар чиқариш, турли департаментлар ташкил қилиш, тил байрамлари ўтказиш билан кўтариб бўлмайди. Мақтаб-боғчадан тортиб, олий идораларгача давлат тилида иш олиб бориши керак. Бу ҳол кампания-бозликка эмас, кундалик тутумга, оддий қоидага айланди лозим. Озарбайжонда, Туркияда, Европа давлатларида шундай. Нега бизда ундай эмас?.. Мен минбаъд рус тили ёки бошқа тилларга қарши эмасман. Зиёли, хусусан, тарихчи олим қанча кўп тил билса қони фойда. Аммо Ўзбекистонда давлат тили ўзбек тили эканини унутмаслик керак.*

— *Қайта қуриш, ошқоралик замонида, атоқли шоир ва таржимон Жамол Камол билан суҳбат эълон қилинган эди («Тил халқнинг номуси, тарих - унинг қомуси») // «Ёшлик» журнали, 1989 йил 4-сон. Унда олимлар, шоиру ёзувчилар, умуман, зиёлиларнинг жамиятда тутган ўрни ҳақида залворли фикрлар билдирилган эди. Уша кезлар миллат ойдинлари жамиятнинг пешқадамлари, илғорлари бўлгани маълум. Ҳўш, утган 30 йил мобайнида, зиёлиларимизда миллат туйғуси қанчалик ўсди? Бу борада сўз очилса, кўпроқ ютуқлар эмас, кўчириклар ҳақида гапиргим келади. Кечмиш давр мобайнида асрий орзу ушалди: мустақилликка эришдик, шу билан бирга ҳафсалани пир қилувчи талай ҳодисаларга ҳам гувоҳ бўлдик... Дейлик, бутун дунёда фанлар академияси аъзолари, яъни академиклар тегишли илмий муассасаларда олимлар томонидан сайланади. Бизда эса салкам чорак аср давомида академия аъзоллигига сайлов ўтказилмади. 2017 йилдан янги академиклар номи эълон қилина бошлади. Назаримда, бу борада тайинлов эмас, сайлов тамойилига қатъий риоя қилиш керак.*

— *Юртимизда фан инфраструктураси эскиргани, олим тадиқотчиларнинг савияси ҳаминқадар экани, умуман, илм аҳлига таниш муаммоларни ўйласам, фанизмизнинг келажагига шубҳа билан қарай бошлайман. Лекин, аини чоғда, бу ҳиссий ёндашу*

— *эканини-да англайман. Фанизмизнинг нуқсонлари қаторида ютуқлари талайгина. Визиятни ўнглашнинг ҳам ҳали имкони бор. Умрини тарих илмига бағишлаган, шу соҳада сочи оқарган зиёли сифатида айтинг-чи, жаҳон фанидан ортда қолиб кетмаслик, юртимизда олимликнинг нуфузини янада ошириш учун нима қилмоқ керак?*

— *Ниҳоят, энг оғир саволга ҳам етиб келдик! Мен ҳам сўнги чорак аср мобайнида мамлакатимиз илм-фани мушкул-мураккаб аҳволга тушиб қолгани сабабларини кўп ўйлайман. Бу борадаги айрим мулоҳазаларимни суҳбат давомида ҳам айтиб ўтдим.*

— *Ҳозир ўттиз-қирқ ёшлардаги авлоднинг аксари Владимир Ленин қандай тарихий шахс бўлганини яхши билмайди. Ҳолбуки, унинг ғоялари, таълимоти Совет Иттифоқи парчалангунча Ўзбекистонда ҳам дастуриятли бўлиб келган. Ленин 1917 йил октябрда ҳокимиятга келгач, «буржуа профессорларни совет жамиятининг ашаддий душмани деб эълон қилади. Талабаларни эса жамиятнинг инқилобий ва ўзгартирувчи қатлами деб атайди. В.Ленин «буржуа профессорлар»га қарши беаёв уруш очар экан, ҳукумат олдида ўша оғир йилларда ҳам илм-фанини ривожлантириш вазифасини қўяди. Жамиятда коммунистик мафқурага содақат билан хизмат қилувчи совет олимлари шаклланди лозим эди. Шу тариқа XX аср 20-йилларида совет Россиясида, ҳатто Туркистонда кўп ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Иккинчи жаҳон уруши аини қизиган даврда (1943 йил 4 ноябрь) Ташкентдаги СССР ФА Ўзбекистон филиали (УЗФА) негизда жумҳурият фанлар академияси ташкил қилинди. Тил, адабиёт ва тарих институти негизида эса Ўзбекистон ССР Тарих ва археология институти тузилди. Бу уруш йилларида республика маданий ҳаётида рўй берган катта ҳодиса эди.*

— *Ўзбекистонда совет даврида илм-фан ва таълим, тиббиёт ва соғлиқни сақлаш соҳасига катта этибор қаратилганини рад этиб бўлмайди. Аммо совет ҳукумати жамиятнинг барча жабҳаларида бўлгани сингари илм-фан, хусусан, тарих, адабиёт, фалсафа, ҳуқуқ каби ижтимоий соҳаларга кучли назорат ўрнатиб, олимларни коммунистик мафкура йўриғидан юришга мажбур қилди. Табиийки, Ўзбекистон тарих фанида ҳам миллийликнинг ҳар қандай кўринишларига, миллий қахрамонларга қарши шафқатсиз кураш олиб борилди...*

— *XXI аср учинчи ўн йиллигининг дастлабки йилида юртимиз илм-фани қай аҳволда эканини ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз. 2017 йилдан фанизмизни қайта жонлаштиришга киришилди. Утган тўрт йил ичида бир қатор ислохотлар жорий қилинди. Лекин, назаримда, ҳали қутилган натижалар учун хийлагина фурсат бор. Бу борадаги муҳим вазифалар сифатида кадрлар ва мутахассисларни жой-жойига қўйиш, илм-фанда маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, қариндош-уруғчилик, ўртамеъналик каби иллатлар илдиники қирқтиш кабиларни таъкидлашни истаيمان. Муаммолар кўп, вазифалар унданда бисёр. Тарихчи, этнолог ва археолог олимлар қисқа муддатда улкан юмушларни адо этмоғи керак. Боя айтганимдек, Тарих институти илмий жамоаси жорий йилдан 10 жилдли «Ўзбекистон тарихи» академик нашрини тайёрлашга киришди. Мен ҳам захматли, аини чоғда шарафли бу ишга ўз ҳиссамни қўшаман, дея енг шимариб турибман.*

— *Элдор АСАНОВ суҳбатлашди. «Тафаккур» журналидан олинди.*

Маданий мерос департаменти агентликлари айлантирилди ҳамда туризм ва спорт вазирлигига олиб берилди

«Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони имзолангани ва унга асосан янги Туризм ва спорт вазирлиги ташкил этилгани ҳақида аввал хабар берган эдик.

Мазкур фармонга биноан, Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти, унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадиқ этиш маркази негизда Туризм ва спорт вазирлиги ҳузурида Маданий мерос агентлиги ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари ташкил этилди.

Маданият вазирлигининг ҳудудий маданий бошқармалари тузилмасидаги маданий мерос объектларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўлимлари тугатилди ва уларнинг штат бирликлари тегишлилигича Маданий мерос агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларига ўтказилди.

Маданият вазирлиги тизимдаги давлат музейлари, музей кўриқхоналар ва уй музейлари, маданий мерос объектларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўлимлари тугатилди ва уларнинг штат бирликлари тегишлилигича Маданий мерос агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларига ўтказилди.

Маданият вазирлиги тизимдаги давлат музейлари, музей кўриқхоналар ва уй музейлари, маданий мерос объектларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўлимлари тугатилди ва уларнинг штат бирликлари тегишлилигича Маданий мерос агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларига ўтказилди.

2021 йилда ва келгуси йилларда Маданият вазирлигига Давлат бюджетидан маданий мерос объектларини реставрация қилиш ва тиклаш, шунингдек, археологик ишлар харажатлари учун ажратиладиган маблағлар эндиликда Туризм ва спорт вазирлигига ажратилади.

Давлат бюджети маблағлари ҳисобига моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини асрашга доир ишларни амалга ошириш бўйича Маданий мерос агентлиги буюртмачи ҳисобланади.

Маданий мерос агентлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти ва Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадиқ этиш марказининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Реклама ва эълонлардаги хатолар

Тилга хурмат кўча, бино ва иншоотларга ўрнатилган ташқи ёзувларнинг бехато, имло қоидаларига риоя қилинган ҳолда жойлаштирилишида ҳам намоён бўлади.

Турли эълон, реклама матнларида хатога гувоҳ бўлганда уни тўғирлаш чораларини куриш, масъулларни бундан хабардор қилиш лозим.

Бухоро вилояти Вобкент тумани ҳокими томонидан 2021 йил 5 апрель куни «Қорхона, ташкилот, таълим муассасалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, жамоат ташкилотлари, кўчалар, бино ва иншоотларда ўрнатилган ташқи ёзувлар, пешлавахалар, реклама ва кўргазмалар ахборот матнларининг ҳолатини ўрғаниш» бўйича ишчи гуруҳ таркиби тасдиқланган.

Ишчи гуруҳ аъзолари «Чармгарон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида бўлиб, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларидаги рекламаларда тил меъёрларига амал қилинганлик ҳолатини ўрғаниди. Тадбиркорларга ўзбошимчалик билан ўрнатилган реклама воситаларини тартибга келтириш бўйича қонун доирасида тушунтириш берилди.

Ишчи гуруҳнинг бу каби ўрганишлари давом этмоқда.

Юсуф НАСУЛЛАЕВ

Рамазон тақвими 2021

Рамазон кунлари	Апрель	Хафта кунлари	Сахарлик тугаши	Ифторлик бошланиши	Рамазон кунлари	Апрель	Хафта кунлари	Сахарлик тугаши	Ифторлик бошланиши
1	13	Сешанба	04:25	19:03	16	28	Чоршанба	03:58	19:19
2	14	Чоршанба	04:24	19:04	17	29	Пайшанба	03:57	19:20
3	15	Пайшанба	04:22	19:05	18	30	Жума	03:55	19:21
4	16	Жума	04:20	19:06	19	1	Шанба	03:53	19:22
5	17	Шанба	04:18	19:07	20	2	Якшанба	03:51	19:23
6	18	Якшанба	04:16	19:08	21	3	Душанба	03:50	19:24
7	19	Душанба	04:14	19:09	22	4	Сешанба	03:48	19:25
8	20	Сешанба	04:13	19:10	23	5	Чоршанба	03:46	19:26
9	21	Чоршанба	04:11	19:11	24	6	Пайшанба	03:45	19:27
10	22	Пайшанба	04:09	19:13	25	7	Жума	03:43	19:28
11	23	Жума	04:07	19:14	26	8	Шанба	03:42	19:29
12	24	Шанба	04:05	19:15	27	9	Якшанба	03:40	19:31
13	25	Якшанба	04:04	19:16	28	10	Душанба	03:39	19:32
14	26	Душанба	04:02	19:17	29	11	Сешанба	03:37	19:33
15	27	Сешанба	04:00	19:18	30	12	Чоршанба	03:36	19:34

Аллоҳнинг раҳматин, нусратин кутинг, Барча кўз уйқуга чўмган тунларда Асрий занжирларни елкадан отинг, Шайтонлар занжирбанд бўлган кунларда!

Бизки, кўнгилларни айладик вайрон, Бугун ўзимиздан ўзимиз ҳайрон. Энди қўлимизда муқаддас Қуръон Шайтонлар занжирбанд бўлган кунларда!

Бизга дарс ўқитманг фалсафалардан, Дунё беиз бўлган вазвасалардан. Ҳолимиз телбавий талвасалардан Шайтонлар занжирбанд бўлган кунларда!

Иймон йўлидадир кўзимиз нури, Аллоҳнинг сўзига қалбимиз тўри! Портлатади дунёнинг сохта ғурури, Шайтонлар занжирбанд бўлган кунларда!

Аллоҳга шўкурки, Уни бир билдик, Байтуллоҳга иймон тўла қалб келдик, Зиноу фаҳши кишанбанд қилдик, Шайтонлар занжирбанд бўлган кунларда!

Аллоҳим, қўлимиз Сенгадир очик: Гарчи Рамазондан кўнглимиздир тўқ, Тузалиб олмасак бошқа фурсат йўқ, Шайтонлар занжирбанд бўлган кунларда!

muslimaat.uz

Кўёшнинг чиқиш ва ботиш вақтидаги фарқлар (дақиқа ҳисобида) (сахарлик/ифторлик)
 ТОШКЕНТДАН ОЛДИН: Ангрн – 2/4, Бекобод – 5/0, Андижон – 10/13, Хонобод – 13/15, Шаҳрихон – 9/11, Хўжаобод – 11/13, Наманган – 8/10, Поп – 6/8, Чортоқ – 9/11, Чуст – 7/8, Фарғона – 7/10, Риштон – 5/8, Қўқон – 4/7, Қува – 9/11.
 ТОШКЕНТДАН КЕЙИН: Бухоро – 24/19, Газли – 27/23, Ғиждувон – 22/18, Қоракўл – 27/21, Гулистон – 5/2, Сардоба – 4/1, Жиззах – 9/5, Зомин – 7/3, Фориш – 10/8, Ғаллаорол – 10/6, Навоий – 19/15, Зарафшон – 20/21, Мингбулоқ – 29/25, Конимех – 20/16, Нурота – 17/14, Учқудуқ – 19/24, Нукус – 33/40, Мўйноқ – 28/44, Тахтакўпир – 27/38, Тўрткўл – 32/34, Қўнғирот – 33/44, Самарқанд – 14/8, Иштихон – 15/11, Мирбозор – 13/9, Каттақўрғон – 16/12, Ургут – 14/8, Термиз – 18/17, Бойсун – 16/7, Денов – 13/5, Шеробод – 18/8, Шўрчи – 14/5, Қарши – 20/13, Деҳқонобод – 19/10, Косон – 21/14, Муборак – 22/16, Шаҳрисабз – 16/9, Ғузор – 19/11.

ЭСЛАТМА: Рамазон ойи бошланиши ой кўринишига қараб бир кунга фарқ қилиши мумкин

СОҒЛИК ХАЗИНАСИ

Мунтазам рейслар тикланмоқда

8 апрелдан 29 апрелгача Украинанинг МАУ авиакомпанияси Киев-Тошкент ва Тошкент-Киев йўналиши бўйича мунтазам рейсларни амалга оширади.

Киевдан парвозлар ҳар пайшанба, Тошкентдан – жума кунлари амалга оширилади. Чипта нарҳига 23 кг. гача бўлган 1 та юк ва 2 та қўл юки (5 ва 7 кг.) киради. Киевдан Тошкентга авиачипта нарҳи 278 доллар, Тошкентдан Киевга 357 доллардан бошланади.

Ўзбекистонга кириш учун COVID-19 тестининг 72 соат ичида ўтказилган манфий натижаси талаб қилинади.

@bayonotuz



бўлди экан?

– Бу менинг изларим, – жавоб берибди Аллоҳ. – Мен доим сен билан бирга ёнингда юрганман.

У киши яна синчиклаб қарасаки, ҳаётининг энг огир дамларида оёқ излари фақат бир жуфт экан.

– Эй, Аллоҳ! – юзланибди у Аллоҳга. – Нега энг огир дамларимда, сенинг ёрдамингга энг муҳтож бўлган кезларимда мени ёлғиз қолдириб кетгансан. Қара, бу ерда фақат бир кишининг изи. Шунда Аллоҳ унга баланд овозда:

– Эй, ношукур банда! Энг огир кунларингда мен сени қўлимда олиб юрганман, деган экан.

«Аллоҳ энгиб бўлмайдиган синовларни бермайди».

Бу ҳақиқатни қачондир тан олармиз...

Бир киши ўлимидан кейин бутун босиб ўтган ҳаёт йўлини кўрсатишини сўраб, Аллоҳга мурожаат қилибди. Қутилмаганда у ўз излари билан ёнма-ён юрган қандайдир изларни кўриб қолибди.
 – Эй, Аллоҳ, – юзланибди у Аллоҳга, – менинг изларим билан ёнма-ён кетаётган кимнинг излари

Ўзбекистон пандемияга Қозоғистондан кўра яхшироқ тайёрланган

Коронавирус инфекцияси инсон саломатлиги учун жиддий таҳдидлар келтириб чиқарди. «Forbes» нашри Марказий Осиё минтақасида етакчиликка даъво қилаётган икки давлат – Ўзбекистон ва Қозоғистон пандемияга бир хил даражада тайёрланганини ёзмоқда qalampir.uz.

Пандемия бошланганидан бери жорий йилнинг 28 мартга қадар Қозоғистонда 292,3 минг киши касалликни юқтирган.

Пандемия Қозоғистонда ҳам, дунёда ҳам соғлиқни сақлаш соҳасидаги барча муаммоларни очиб берди. Хусусан, ушбу соҳани молиялаштириш масалалари биринчи ўринга чиқди.

Пандемиядан олдинги йилларда (2016–2019) Қозоғистонда соғлиқни сақлашга киритилган инвестициялар улуши деярли бир хил даражада сақланиб қолган бўлса, Ўзбекистонда бироз ўсиш кузатилган.

Шу даврда аҳолиси Қозоғистонга нисбатан 1,8 баравар кўп бўлган Ўзбекистонда 175,6 минг киши вафот этган, йиллик ўсиш 15,5 фоизни ташкил қилган.

Қозоғистонда ўлим коэффиценти 1000 кишига 8,6 бўлса, Ўзбекистонда – 5,1.



Миллатни уйғотмоқ замони

Бундан роппа-роса уч йил аввал – 2018 йилнинг 5 апрель куни Президентимизнинг «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинган эди. Ўтган давр мобайнида уюшма-миз муҳташам бинога кўчиб ўтди.

Уюшмамиз муассислигидаги «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока», «Жаҳон адабиёти», «Ёшлик» журналлари таҳририятларига ҳам ушбу бинодан жой ажратилди. Шу ўринда «Биринчи китобим», «Адиб ва жамият», «Наср гулшани», «Сўз чамани» сингари руқнларда «Ижод» жамоат фондининг моддий кўмаги остида кўплаб ижодкорларнинг юзлаб китоблари чоп этилганини айтиш жоиз. Ўтган даврда «Китоб акцияси» тадбирлари ҳам мунтазам йўлга қўйилиб, маҳалла ва мактаблар, «Меҳрибонлик уйлари»га «Ижод» жамоат фонди ҳомийлигида миллионлаб китоблар бепул етказиб берилди. Ана шу қисқа даврда Адиблар хиббони ҳам кўркамлаштирилиб, 20 нафардан ортиқ адибга бронза ва мисдан ҳайкал ўрнатилди. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети қошида эса Олий адабиёт курси ташкил этилди. 100 нафардан ортиқ ёзувчи-шоир Камолон дарвоза маҳалласидаги ўз хонадонларига кўчиб ўтдилар.

Бугун қарорни қайта ўқиб чиқиб, ҳали амалга оширилиши керак бўлган бир қанча вазифалар олдинда турганига ишонч ҳосил қилдим.

Назаримда, бугун мириқиб ёзмоқ замони, миллатни уйғотмоқ даври келди. Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон айтганидай, миллатни уйғотиш – уйғонганларнинг вазифаси.

Фозил ФАРҲОД

ОБУНА – 2021

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»
 ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Обуна индекси **158**

ЎЗБЕКИСТОН
 «МИЛЛИЙ
 ТИКЛАНИШ»
 ДЕМОКРАТИК
 ПАРТИЯСИНИНГ
 ИЖТИМОЙ-
 СИЭСИЙ
 ГАЗЕТАСИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,

Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аброр ПЎЛАТОВ, Амридин БЕРДИМУРОДОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ, Минҳожиддин МИРЗО, Нодир МУХТОРОВ, Отабек ЖИЯНБОЕВ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортикали ҚОЗОҚОВ, Феруза МУҲАМЕДЖАНОВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖАЕВ, Шавкат ШАРИПОВ, Шухратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош муҳаррир:

Миродил АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИРИЯТ

МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
 Миробод тумани,
 Буюк Турон кўчаси,
 41-уй.
 Газета таҳририят
 компьютер
 марказида терилди
 ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри
 таҳририят нуктаи
 назаридан фарқ
 қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий
 эътиборимизда бўлиб, улар
 муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррир:

Равшан МАҲМУДОВ

Навбатчи:

Вилоятхон ШОДИЕВА

Дизайн:

Маъмуржон ҚУДРАТОВ

Электрон почта:

mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:

Қабулхона (факс): (71) 232-12-03, +99897 755-10-11

Газета «SHARQ» нашриёти-мағбаа акциядорлик компаниясида
 чоп этилди.
 Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
 агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
 Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқари.

Адади – 2795.

Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.

Қоғоз бичими: 350x587. **Ҳажми:** 4 босма табоқ

Буюртма – 416

Босишга топшириш вақти 21.00.

Топширилди 1:30

ISSN 2010-7714

123456